Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 25-oktabr, shanba | № 86 (7591)

Муаллим — меҳр, муҳаббат, эзгулик тимсоли. Ўқувчининг, боринки, инсоннинг ўқитувчи суҳбатига талпиниши боиси ҳам шунда. Негаки, инсон қалби ҳамиша меҳру муҳаббатга ташна. Ташна қалбларга малҳам бўлиш, эзгулик улашиш эса фидойилик демакдир.

— Бу — ишончдан, — дейди Нишон туманидаги 4-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Жўра Ғойибов. — Зеро, фарзандлар нигоҳида акслланган эртанги кун умидини кўрганда кимнинг қалби ҳапқирмайди, дейсиз?! Бу — халқининг, юртнинг истиқболи демак. Ўқитувчи ана шу истиқболдан руҳланади, куч олади.

Нишон туманидаги 4-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Жўра Ғойибовнинг изланишлари замирида ҳам аслида ана шу ўй бор. Ўқитувчи мана 33 йилдирки, мактабда ўқувчиларга сабоқ берар экан, толиқиш нималигини билмайди. Ўқувчиларининг мувафаққияти унинг қувват манбаи. Бу манба кучи унинг дарсдан сўнг бўш вақтларида, ҳатто ижод қилишга ҳам етади. Ўқитувчининг вилоят ва республика нашриётларида чоп этилган "Қалб жавоҳири", "Мен сени куйлайман", "Талимаржон бойчечаги", "Туйғулар жилоси", "Армонли дунё" номли шеърий тўпламлари ҳамда ҳикояларининг ёзилишида ҳам айни куч муҳим омил бўлган бўлса ажаб эмас.

Ўқитувчининг изланишлари ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланган бўлиб, жорий йилда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами олдидан "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси"деган юксак унвонга мушарраф бўлдилар.

Суратда: Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Жўра Ғойибов ўқувчиларга ўз ўгитларини бермоқда.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА САНЪАТ — 2-бет

ЭЗГУ ИШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ — 3-бет

БИР СТАДИОН МОЖАРОСИ — 7-бет

ХОНАДОН БОҒЧАСИ — *у қандай бўлиши керак?* — 14-бет

28 ЙИЛЛИК МУШТАРИЙМАН

Obuna-2004

28 йилдирки, ўқувчи ва талабаларга тил илмидан сабоқ бериб ҳамда сабоқ олиб келмоқдаман. Фаолиятим давомида жуда кўплаб устозларнинг иш тажрибаларини оммавий ахборот воситаларидан, жумладан, "Маърифат" газетасидан ўргандим. Шунинг натижаси ўлароқ, менинг ҳам иш тажрибаларим республика миқёсида шу газета орқали оммавийлаштирилди.

Республикадаги барча таълим муассасалари ходимлари учун "Маърифат" газетаси фикр алмашувчи, янгилик берувчи эканлигини кўпчилик тан олмоқда. Шунингдек, бизнинг Андижон давлат университетида янги педагогик технологияларни жорий этиш ва оммалаштириш маркази мавжуд бўлиб, бунда тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг дарс ўтишидаги илғор, янги методлари ўрганилиб, ташвиқ қилинмоқда. "Маърифат" газетасида ёритилган ҳар бир янги дарс усулини муҳокама қиламиз ва имкон қадар дарсларга татбиқ этиб борамиз.

Газета саҳифаларида эълон қилиб борилаётган "Синаб кўринг", "Янгилик", "Бир соатлик дарс", "Kutubxona" рукнлари менга жуда ёқади. Уларда эълон қилинаётган материалларнинг ҳар бирини севиб ўқийман, улардан ўрганаман.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонунлар ижросини таъминлашда, янги педагогик технологияларни жорий этишда, дарс ўтиш усулларини оммавийлаштиришда, буюк алломаларнинг илмий-педагогик меросларидан баҳраманд этишда "Маърифат" газетаси доимо маърифат нурларини сочмоқда. Бу йўлда уларга ойдинлик, дилтортарлик тилаб қоламан.

Шоҳидахон ЮСУПОВА,
Андижон давлат университети катта ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси

2003-2004 o'quv yili — umumiy o'rta ta'lim muassasalari kutubxonalari faoliyatini takomillashtirish o'quv yili

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА

Xalqaro anjuman

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида кутубхона ва "Таълим ҳамма учун" дастури" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан Осиё тараққиёт банки, Британия Кенгаши, ЮНЕСКО, ЮСАИД ҳамда Ўзбекистон Очиқ Жамият институти — Кўмак жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнига қисқача шарҳ бериб, уларни амалга оширишда мактаб кутубхоналарининг ўрни қандай бўлиши лозимлигига тўхталди.

Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Невилл Мак Бейн, Осиё тараққиёт банки Халқаро маслаҳатчиси Тони Рид, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси лойиҳалари менежери Алиса Клима, Австралиянинг кутубхона ишлари бўйича Халқаро маслаҳатчиси Аблитт Линда ва бошқалар халқаро анжуманни ўтказишдан мақсад, ундан кутилаётган натижалар юзасидан сўз юритишди.

Анжуман ўз ишини "Ўзбекистонда мактаб кутубхоналарининг аҳволи ва уларни ривожлантириш истиқболлари", "Мактаб кутубхоналари ва ахборот-коммуникацион технологиялар", "Таълим ҳамма учун" дастури" мавзулари доирасида давом эттирди. Анжуманнинг биринчи иш кунида китоб ярмаркаси ҳам бўлиб ўтди.

* * *

Халқаро анжуманнинг иккинчи иш куни Республика илмий педагогика кутубхонаси қошида "Ўқув-ахборот ресурс маркази"нинг очилиши билан бошланди. Тадбирга Республика Халқ таълими вазирлигининг масъул ходимлари, Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбарлари, бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда конференция иштирокчилари йиғилдилар. Республика Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов янги ресурс маркази билан таълим ходимларини қутлар экан, у мактаб кутубхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш, таълим-тарбия ишларини янада жонлантириш, мутахаесислар малакасини оширишда муносиб ҳисса қўшажагига умид билдирди.

Мазкур марказ Осиё тараққиёт банки ҳамда Британия Кенгаши томонидан молиялаштирилган бўлиб, унда нафақат китоб ва дарсликлар жамланган кутубхона, балки мустақил ахборот олиш имкониятини берувчи компьютер ҳудуди, видеоахборотлар, слайд ва диафильмлар, магнит ёзувлари жамланган видеотека ва фонотека фойдаланувчилар ихтиёрига берилади. Ушбу йўналишдаги навбатдаги лойиҳага асосан яқин истиқболда шундай ўқув-ахборот ресурс марказлари республикамизнинг энг чекка туманларидаги 85 та умумтаълим мактабларида, шунингдек ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида ташкил қилинади.

Анжуманнинг иккинчи иш кунида шунингдек, Осиё тараққиёт банки ҳамда Ўзбекистон Очиқ Жамият институти — Кўмак жамғармаси ҳамкорлигидаги "Таълим бўйича марказий тармоқ" қўшма лойиҳасининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

Халқаро анжуман ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил танишасиз.

Ҳусан НИШОНОВ,
Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбирлари

Majlisda zamonaviy qahramon obrazini yaratish ma'rifiy-mafkuraviy ishning muhim bir qismi ekani yana bir bor ta'kidlandi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

BEG'ARAZ YORDAM

Poytaxtimizda Yaponiya hukumatining kichik ko'lamdagi ijtimoiy sohalarga beg'araz yordami yo'nalishida «Sobir Rahimov tumani 196-o'rta maktabni ta'mirlash va zamonaviy uskunalar bilan jihozlash» loyihasining taqdimoti bo'lib o'tdi. Loyiha 2002 yil 15 noyabrda Yaponiyaning mamlakatimizdagi elchixonasi bilan mazkur maktab o'rtasida imzolangan grant-bitim asosida amalga oshirildi.

OLIY MAJLISDA

Oliy Majlisning Matbuot va axborot qo'mitasi yig'ilishi bo'lib o'tdi. Mazkur qo'mita raisi O'.Hoshimov boshqargan yig'ilishda «Jurnalistlik faoliyatini himoya qilish to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi qonunining Farg'ona viloyatidagi ijrosiga oid masala muhokama etildi.

DARSLIKLAR INTERNETDA

Ekologiya fanidan yaratilgan elektron darsliklar internet tarmog'iga kiritildi. O'zbekistonda ilk bor chop etilgan bunday elektron o'quv qo'llanma Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat institutining mehnat muhofazasi kafedrasi olimlari tomonidan tayyorlandi.

CHEMPIONLAR BIR TUMANDAN

Toshkent tumanidagi sport-sog'lomlashtirish majmuasida bo'lib o'tgan Turon yakka-kurashi bo'yicha O'zbekiston ochiq chempionatida ikki yuzga yaqin o'smir qatnashdi. Tumanning o'n uch sportchisi musobaqada eng yuqori o'rinni egalladi.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА САНЪАТ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора, муассаса ва бирлашмалар раҳбарлари, санъаткорлар, олимлар, ёзувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси А.Азизхўжаев бошқарди. Ўзбекистон — ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган давлат. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ислоҳотлар стратегияси ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда ва бугунги кунда бутун жаҳонда тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида тан олинди.

Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади. Шу боис ҳам мамлакатимизда миллий истиқлол ғоясини санъатнинг таъсирчан воситасида кишилар, айниқса ёшлар онгига сингдириш, маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаблари даражасига кўтариш муҳим аҳамият касб этмоқда. «Миллий истиқлол ғояси» фани таълим тизимига жорий этилаётгани жамиятимиз тафаккурида туб янгиланишлар юз бераётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўзининг аксарият чиқишларида бу борада ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат намояндалари олдида ғоят масъулиятли вазифалар тургани қайд этиб, ижодкорлар эътиборини тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини, бугунги ҳаёт воқелигини, олижаноб орзу-умидларимизни акс эттирувчи адабиёт, театр, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратишга қаратади.

Мустақиллик йилларида юртимизда санъатнинг барча турларини ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Бу эса, ўз навбатида зиёлилар зиммасига халқимиз, айниқса, ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, фидойилик ғояларини бадиий пухта ва мукаммал асарлар орқали самарали ва таъсирчан усулларда сингдириш масъулиятини юклайди. Соҳада ғоявий-бадиий салоҳиятни комил инсон тарбиясига йўналтириш устувор йўналиш бўлиши даркор. Бунда кутубхона, театр, маданият саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа маърифий муассасалар фаолиятидан кенг ва самарали фойдаланиш, ёшлар дунёқарашини юксалтирадиган, уларга руҳий-маънавий озиқ берадиган тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Маданий-маърифий муассасалар ёшларни миллий ўзлигимизга, ўтмишимизга ҳурмат, чинакам гўзаллик руҳида тарбиялаш маскани бўлмоғи лозим. Бунда маданият ва санъат соҳаларида ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз, миллий қадриятларимизга ёт асарларнинг етакчи ўринни эгаллаб олишига йўл қўймаслик муҳимдир.

Мажлис иштирокчилари бугунги сиёсатимизнинг моҳиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар жараёнини, янги жамият қуриш йўлидаги эзгу интилишларимизни халқимиз ўртасида ҳаёт ҳақиқатига таянган ҳолда тарғиб қилиш лозимлигига эътиборни қаратдилар.

Ёшлар тарбиясига бепарволик, мафкуравий курашдаги лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, тарбия — бу ҳаёт-мамот масаласи эканини одамларга, кенг жамоатчиликка қайта-қайта тушунтириш, уларни огоҳ этиш зарур. Зеро миллий истиқлол ғояси нондек азиз ва муқаддасдир. Мажлисда замонавий қаҳрамон образини яратиш маърифий-мафкуравий ишнинг муҳим бир қисми экани яна бир бор таъкидланди.

Ошкора баҳс-мунозара руҳида ўтган мажлисда юртимизда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тарғиб этишда баъзан хўжакўрсинга тадбир ўтказиш ҳоллари ҳам кўзга ташланаётгани танқид қилинди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш, миллий истиқлол ғоясини обрўсизлантирмаслик, уни юксак маърифат, ҳаётий мисоллар асосида тарғиб этиш санъаткор ва зиёлиларимизнинг асосий бурчи экани қайд этилди.

Мажлисда сўзга чиққан Маданият ишлари вазири Б.Қурбонов, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Ризаев, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директорининг ўринбосари А.Жабборов, Ўзтелерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари Н.Маҳмудов, рассом А.Мирзаев, режиссёр Р.Ёриев ва бошқалар миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда санъатнинг ўрни ва аҳамиятини янада кучайтириш, маърифий-мафкуравий тарбия ва тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини баён этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



Бежирим либосларни ўқув формаларини кўриб беиҳоя қўли гул чеварларга таҳсин айтасан киши.

Ҳозирги пайтда кўпгина мактабларда ўқувчиларнинг ўзлари ана шундай тикиш-бичиш ишларини қунт билан ўрганмоқдалар. Асака туманидаги 7-мактабда ҳам бу каби ишлар яхши йўлга қўйилган.

Суратда: ушбу мактабнинг меҳнат фани ўқитувчиси Шаҳзода Солиева ўқувчиларга италия тикиш машиналарида тикиш-бичиш сирларини ўргатмоқда.

Б. РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

КИТОБ — ЎТМИШИМИЗ, БУГУНИМИЗ, КЕЛАЖАГИМИЗ

Бўз туманидаги 26-ихтисослашган мактаб-интернат кутубхонаси ҳамиша гавжум. Мазкур илм даргоҳида китобга меҳри тушган инсонлар кўпчиликни ташкил қилади. Шу боис, кутубхона китоб жамғармасини бойитиш, ўқувчиларни бу даргоҳга кенг жалб этиш, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш борасида анчагина ибратли ишларни амалга оширилмоқда.

Мактаб-интернат инглиз тили муаллими Ойбек Эргашев изланувчан, янгиликка интилувчан устозлардан бири. У яқинда АҚШ Марказий Осиёга беғараз ёрдам ташкилотининг филиали— Андижон тараққиёт маркази томонидан ўтказилган инглиз тили муаллимлари танловида иштирок этиб, фахрли 4-ўринни эгаллади. Ғолиб сифатида марказ томонидан 30 та адабий-бадиий, маърифий китобларга эга бўлган О.Эргашев китобларнинг ҳаммасини мактаб-интернат кутухонасига тақдим этди. Ҳозир бу китоблардан мактаб-интернат ўқитувчи-ўқувчилари фойдаланмоқдалар.

Мактаб-интернат муаллимлар жамоаси бир неча йиллардан буён Жанубий Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ана шу ҳамкорликнинг меваси сифатида куни кеча Жанубий Корея элчихонаси ва "КОИКА" халқаро гуманитар ташкилоти томонидан мактаб-интернатга 50 дан зиёд корейс тилидаги китоблар тақдим этилди. Бу ҳиммат ҳам кутубхона жамғармаси бойишига ижобий таъсир кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактаб-интернат муаллимларининг ўз устида тинмай изланишлари, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишлари бу ерда таҳсил олаётган ўқувчилар билим самарадорлигини ошириш билан бирга кутубхона учун кўплаб ўқув қўлланмалари ва зарур адабиётларни келтиришда катта ёрдам бермоқда.

Мактаб-интернатнинг яна бир инглиз тили муаллимаси Наргиза Жўраева ҳам яқинда АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти танловида иштирок этиб, 2000 АҚШ доллари миқдорида дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тақдирланди. Бу китоблар ҳам яқин кунлар ичида мактаб-интернатга топширилади.

Энг қувонарлиси, республика болалар парламенти аъзоси, мактаб-интернат ўқувчиси Аброр Ҳожиакбаров ташаббуси билан кутубхонада "Китоб — ўтмишимиз, бугунимиз, келажагимиз" мавзусида ҳафталик ўтказилди. Ҳафталик давомида синфлараро дарсликларни сақлаш, кутубхонага аъзолик, кутубхонани бойитиш бўйича тадбирлар ўтказилди. Тадбир натижасида ўқувчилар томонидан дарсликларнинг тутилиши жиддий назоратга олинди, ҳар бир ўқувчи кутубхона учун биттадан китоб ҳадя қилди.

Ҳафталик якунига кўра, мактаб-интернат 7-синф ўқувчилари биринчи ўринни эгалладилар. Уларга энг яхши китоблар мажмуи тортиқ этилди. Ҳафталик якунига етди, лекин кутубхонада ибратли ишлар, тадбирлар давом этмоқда. Ният, бу ишларни йил охирига қадар изчил давом эттиришдир.

О.СИДДИҚОВ

Sog'lom avlod uchun

ЭЗГУ ИШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Юксак тараққиёт сари дунё ҳамжамияти билан ҳамжиҳатликда одимлаб бораётган халқимиз ўзининг болажонлиги, ўз наслига ва келажагига бўлган улкан эътибори билан алоҳида ажралиб туради. Ўзи емай-ичмай боласига едиради, ўзи киймай боласини кийинтиради. Аввало, фарзанди соғлом бўлишини ўйлайди. Ўзининг бутун орзу-умидлари ва бахтини фарзандининг иқболида кўради. Боласининг оёғига тикан кирса, чидаб тура оладиган ўзбек аёли бормикан !

Халқимизнинг миллий хусусиятига хос бўлган, қон-қонига сингиб кетган бу фазилатни мустабид тузум замонида йўқотишга бўлган уринишлар тарихдан маълум. Шукрки, истиқлолга эришганимиздан сўнг барча қадриятларимиз сингари, ёш авлод камолига, фарзандларимизнинг нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом бўлишига устувор масала сифатида қарала бошланди. Ҳукуматимизнинг биринчи юксак ордени «Соғлом авлод учун» деб номланганги ҳам шундан далолат бериб турибди. Бундан ташқари, ҳар бир йилимизга ном берилиб, махсус дастур асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Қарияларни қадрлаш йиллари Ўзбекистон тарихи зарварақларида алоҳида ўрин олиши, шубҳасиз. Албатта, ҳукумат доирасидан оддий фуқароларгача фаол иштирок этган бу дастурлардан кўзланган мақсад битта – жондан азиз болаларимизни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш эди. Мустақиллик йилларида халқимиз ўзининг бу юксак орзусига эриша бошлади, десак асло муболаға бўлмайди. Истиқлолнинг илк йилларида туғилган ёхуд илк бор мактабга қадам қўйган болажонларимиз бугун олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларда, мактабларда ўзини намоён этмоқда. Улар ҳозирданоқ қандай улуғ юрт, қандай буюк миллат фарзанди эканини кўрсатмоқда. Дунё ҳамжамияти озод Ўзбекистонни шу фарзандларимиз номи билан ҳам қайта-қайта эътироф этмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган ва оширилаётган улкан ислоҳотлар, янгиликлар, кўламдор вазифалар фарзандларимизнинг комил инсон, ватанпарвар шахс сифатида шаклланишида муҳим омил бўлмоқда. Бу ўринда жаҳонда мисли кўрилмаган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг аҳамиятини яна бир бор таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Болаларимизнинг руҳан ва жисмонан соғлом ўсишида ҳукуматимизнинг, шахсан юртбошимиз Ислом Каримовнинг юксак эътибори катта аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов истиқлолнинг ўн икки йиллик тантаналарида сўзлаган нутқида «буюк аждодларимиз асрлар давомида яратган беқиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш, фарзандларимизни етук инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслик — давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий устувор вазифаси бўлиб қолиши, айниқса муҳимдир», деб таъкидлаган эдилар.

Юртбошимизнинг ҳар қандай вазиятда ҳам ёш авлод таълим-тарбиясини унутмаслиги, эртанги кун ворислари бўлган фарзандларимиз тақдири билан доимо қизиқиши нафақат ҳар бир ота-онага, балки ҳар бир таълим ходимига ҳам юксак масъулият юклаётир.

Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар, яқин ўтмишдаги ва бугунги ҳаётимиздаги фарқни янада аниқроқ англашимиз учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтиш ўринли бўлса керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда 6865 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 642 минг нафар бола тарбияланмоқда.

Айни пайтда юртимиздаги 9702 та мактабда 6 миллион 272 минг нафар ўқувчи таълим олаётир. 1997 йилдан бошлаб, ҳар янги ўқув йилида мактабга илк қадам қўяётган болаларга Президент совғаси — 12 турдаги ўқув қуроллари тақдим этиб келинмоқда. 2003-2004 ўқув йили бошланишида бундай туҳфага юртимизнинг 625272 нафар фарзанди сазовор бўлди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ, 1998 йилда мамлакатимизда илк бор умумий ўрта таълимдан кейинги таълим муассасалари — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилди. Бугунги кунга келиб, юртимизда 30620 нафар ўқувчига мўлжалланган 51 та академик лицей ва 285685 нафар ўқувчига мўлжалланган 419 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Мазкур объектлардан 95 таси янги қурилиш ҳисобига фойдаланишга топширилган ва бу ишларга мамлакат бюджетидан 380 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ сарфланган.

Мамлакатимизда 1991 йили жами олий ўқув юртлари сони 52 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 63 тага етди. Мазкур олий ўқув юртларининг 19 таси университетлардир. Шунингдек, бундан ўн икки йил аввал олий ўқув юртлари талабалигига 23 минг нафар йигит-қиз эришган бўлса, жорий йилда бундай шарафга 51 минг нафар абитуриент сазовор бўлди.

Яқинда матбуотда ЮНИСЕФнинг «2003 йил ижтимоий мониторинги тадқиқоти» эълон қилинди. Ушбу тадқиқотда Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги тадқиқ этилган. Тадқиқот натижалари билан танишган киши юртимизда нафақат катта ёшли аҳоли ўртасида, балки болалар орасида ҳам ижтимоий-иқтисодий аҳвол мўътадиллашиб бораётганига, биз мустақилликка эришган давлатлар ичида, таъбир жоиз бўлса, ўрнак бўларли даражага эришганимизга амин бўлади.

Тадқиқотда таъкидланганидек, дунё аҳолишунослик харитасида 8 мамлакат тарқалиб кетгач, улар ҳудудида 27 та янги мустақил давлат юзага келди. Бу давлатлар ўтиш даврида мураккаб иқтисодий буҳронлар ва низоларни, ижтимоий соҳада мисли кўрилмаган муаммоларни бошидан кечирди. Мазкур муаммоларни енгиб ўтиш, ижобий ҳал қилиш борасида ҳар бир давлат, албатта, ўз йўлидан борди. Бугунги натижалар эса, Ўзбекистон танлаган йўл тўғри йўл эканини кўрсатмоқда. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, Ўзбекистондаги ялпи ички маҳсулотнинг амалдаги ўсиши 2002 йилда 1989 йилга нисбатан 106,8 фоизни ташкил этгани ва бу кўрсаткич МДҲ мамлакатлари орасида энг юқори экани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Келинг, шу ўринда ЮНИСЕФнинг болалар масаласига оид таҳлилини Ўзбекистон ва бошқа давлатлар мисолида қиёсан яна бир бор кўриб чиқайлик. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш, мактаб ва касб-ҳунар таълимига сарфлаётган давлат харажатлари миқдор жиҳатидан энг юқори даражададир. Бу бежиз эмас, чунки «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгилаб олинган аниқ режаларни тўлиқ амалга ошириш учун давлат катта маблағ ажратмоқда.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда туғилаётган болаларнинг атиги 4,7 фоизи 20 ёшгача бўлган оналарнинг ҳиссасига тўғри келиши ҳам Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига нисбатан энг яхши кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, юртимизда оналик ва болаликка қаратилаётган катта эътибор натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда гўдаклар ўлимининг кескин камайишига эришилди. Илгари ҳар минг нафар чақалоқдан 38,1 нафари нобуд бўлган бўлса, сўнгги йилларда бу кўрсаткич 18,3 нафаргача тушган. Шунингдек, аввал ҳар 100 минг ҳомиладор аёлдан 42,8 нафари туғиш жараёнида ҳаётдан кўз юмган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам 33,5 нафаргача камайган. Булар Марказий Осиё давлатлари орасида энг яхши кўрсаткич ҳисобланади. Бу эса, мамлакатимизда аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар, кучли ижтимоий сиёсат натижасида болалар, ёшлар, оила ва оналикка ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган махсус дастурлар ижросининг ижобий таъминланаётгани натижасидир.

Шу ўринда Ўзбекистонда меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг 100 минг кишига 34,8 нафар тўғри келаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳолбуки, бу кўрсаткич Россия, Украина ва қўшни Қозоғистонда 10 баробар кўпдир.

Мамлакатимизда юритилаётган тўғри сиёсат натижаси ўлароқ, мустақиллик йилларида жиноятчиликнинг умумий даражаси учдан бирга камайиши кузатилган. 2002 йилда бу борадаги кўрсаткич 100 минг кишига нисбатан 298 ҳолатни ташкил этган. Аксинча, бу даврда қўшни давлатларда жиноятчиликнинг ўсгани кузатилмоқда. Масалан, вояга етмаган болалар ва ўсмирлар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари Россияда мамлакатимизга нисбатан 15 баробар, Украинада 10 баробар, Қозоғистонда эса 6 баробар юқори кўрсаткични ташкил этади.

ЮНИСЕФ тадқиқотларида сил касаллигига учраганлар Туркманистон ва Тожикистонда кўпайиб бораётгани қайд этилган. Қирғизистонда эса бу хасталик қарийб уч баробаргача кўпайгани кузатилади. Ўзбекистонда эса, мавжуд экологик муаммоларга қарамай, сил касаллиги тарқалишининг олди олинган.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» дея кўп таъкидлайдилар.

Кучлилик, билимлилик ва бахт замирида, аввало, соғломлик ётади. Соғлом одамгина соғлом фикрлайди. Соғлом фикр эса, жамият ривожини таъминловчи кучдир. Ҳақиқатни тўғри англаган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган ишлар салмоқли натижалар бермоқда. Пировардида, мамлакатимизда кўриб кўнгил тўладиган, кўз қувонадиган баркамол авлод вояга етмоқда. ЮНИСЕФ маълумотларида таъкидланганидек, Ўзбекистонда 17 ёшгача бўлган соғлом янги авлод 10 миллион 924 минг кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистондан Болгария, Молдова 10 баробар, Венгрия, Чехия, Туркманистон, Қирғизистон 5 баробар, Тожикистон 3 баробар, Қозоғистон 2 баробардан зиёд орқада. Ёш фуқаролар сони бўйича эса, айни пайтда Ўзбекистон Украинадан олдинга ўтгани диққатга сазовордир.

Албатта, бундай натижаларга осонликча эришилгани йўқ. Бу, аввало, иқтисодий ислоҳотларнинг самарали ижтимоий сиёсат билан уйғун тарзда олиб борилиши натижасидир. Қолаверса, одамлар онгидаги ижобий ўзгаришлар, ҳамюртларимизнинг ўз фарзандларига, истиқболига, ИСТИҚЛОЛига бўлган ишонч мамлактимизда ислоҳотлар самарадорлигига эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Буюк ўтмишига эга миллат бугун ўзининг буюк келажагини қуриш йўлидан бормоқда. Келажакни эса, комил ишонч билан айта оламизки, биз таълим бераётган, биз тарбиялаётган ёш авлод қуради. Бу буюк келажак пойдеворини эса бугунги фидойи авлод барпо этмоқда.

Биргина соғлом авлодни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларни олиб қарайлик. Ёш авлод таълим-тарбияси, маънавий камолоти йўлида амалга оширилаётган вазифалар, бу ишларга ҳамоҳанг ва уйғун ҳолда, болаларимизнинг жисмонан соғлом ривожланишлари йўлида қилинаётган ишлар алоҳида таҳсинга лойиқ. Юртимизда болаларни спортга жалб қилиш борасида вужудга келган уч тизимли мусобақаларнинг ўзига хослиги, ҳатто, юксак ривожланган давлатлар эътиборини ҳам ўзига тортмоқда.

Болаларнинг ҳар жиҳатдан етук ва баркамол бўлиб вояга етишида спортнинг ўрни ва аҳамиятини ёдда тутган ҳолда, мактаб ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юрти талабаларини тўлиқ қамраб олишга эришиш мақсадида уч босқичли спорт мусобақалари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ўйинлари ташкил этилди. Бир неча йиллардан буён мана шу мусобақаларда кўплаб истеъдодли спортчилар кашф этилмоқда, оммавий тарзда барча йигит-қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлмоқда. Бу мусобақалар шундай тартибга эгаки, улардан бирорта йигит-қиз четда қолмайди. Боғчаларимизда бўлиб ўтадиган «Соғломжон-полвонжон» мусобақаларини айтмайсизми! Бу узлуксиз тизим болаларни ёшлигиданоқ спортга ошно этади, соғломликка даъват қилади.

Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида иш бошлаган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда бу жамғарма юртимизнинг энг чекка ҳудудларида яшовчи ёш авлодга ҳам эътибор қаратиб, уларнинг спорт билан шуғулланиб, соғлом ўсишига шарт-шароит яратиб бермоқда. Албатта, мамлакатимизда болалар спортига берилаётган бу юксак эътибордан мақсад болаларнинг барчасини спортчи қилиб етиштириш эмас. Мақсад — уларнинг барчасини соғлом, Ватанимизга муносиб ворислар сифатида вояга етказиш. Кичик бир қиёс: ҳар ким ўз боласининг соғ-саломат ўсишини, эсли-ҳушли бўлишини, келажакда яхши ҳаёт кечиришини истайди. Буни биров учун эмас, ўзи учун қилади — Ватан ҳам шундай. У ўз фарзандларининг камоли асосида равнақ топади. Демак, Ватан равнақига ҳисса қўша олувчи муносиб, соғлом, баркамол фарзандларни тарбиялаш, аввало ҳар бир оиланинг, ҳар бир ота-онанинг, қўйингки, шу юртнинг ҳар бир фуқаросининг эзгу иши, эзгу амалидир. Эзгу ишнинг натижалари эса ҳамиша қувончлидир.

Усмонали МУСАЕВ,
Халқ таълими вазири
ўринбосари

O'qitishning bunday strategiyasi "To'xtab-to'xtab o'qish" deb yuritiladi. Bunda mavzudagi har bir to'xtashda "Chaqiriq, anglash, fikrlash" alohida keladi.

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

УНДАН ДАРСДА ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИ?

Sinab ko'ring

Кадрлар билими, онги, лаёқати ва салоҳияти тўғрисида сўз борганда, албатта, уларнинг тафаккури ва маданиятини ўстиришга эътиборни қаратиш лозим.

Ёшларга билим беришнинг энг афзал усули, яъни янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш ҳозирги куннинг асосий, долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу педагогик технологиянинг янги йўналиши — "Танқидий фикрлаш" дастури (муаллифлар: Женни Стил, Керт Мередис, Чарлз Темпи)дан фойдаланиш самарали бўлиб ҳисобланади.

"Танқидий фикрлаш" дастурида ўқитишнинг бир неча стратегияларидан фойдаланиб, аналитик кимё фанини ёшларга ўргатишнинг қулай имкониятларини кўриб ўтайлик. Масалан: андозали дарс:

1. Ўқувчи бу дарсда биринчи бўлиб ўзининг фикрини айтади. Бу фикрлаш асосида айтилган ҳар бир фикр ўқитувчи томонидан ёзув тахтасига ёзиб борилади.

2. Ўқувчи ўз қўлидаги маърузалар матнларини ўқиб чиқади. Бунга 10 дақиқа вақт ажратилади. Янги мавзу ўқиб чиқилгач, ўқувчиларга қуйидаги жадвални тўлдириш тавсия этилади:

Биламан	Билиб олдим	Тушунмадим	Фикр зид
А	Б	С	Д

Жадвалдаги А қисмни матн ўқилгунга қадар тўлдириб, ўқувчи мавзу йўналиши бўйича нимани билса, тўла ёзади. Жадвалдаги Б қисм эса, А қисмга солиштирилган ҳолда матн ўқилгач, нимани ўрганган бўлса, фақат шуни ёзади. Матнни ўқиганда тушунилмай қолган формула, белги ва жумлаларни С қисмга ёзади. Агар янги мавзуга қадар ўқувчининг фикрида ўзгариш сезилган ҳолда, ўз фикрига зид ҳолдаги фикрлар уйғонса, Д қисмга ёзади. (15 дақиқа)

Барча ўқувчилар жадвални тўлдириб бўлишгач, ўқитувчи ёзув тахтасига умумий, тўғри фикрларни танлаб, ҳар бир фикрни батафсил баён этган ҳолда ёзади (10 дақиқа). Бу ўринда ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиларни ҳам фикрлашга жалб этиб, уларнинг тўғри ва нотўғри фикрларига диққат-эътибор қаратиб борилади. Дарс якунида фаол иштирокчилар билдирган фикрлар паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга таъсир этганлиги яққол намоён бўлади.

Дарснинг бундай кўринишдаги усулини таҳлил қиладиган бўлсак, танқидий фикрлаш асослари чақириқ (Ч), англаш (А), фикрлаш (Ф), яъни умумлаштирилган ҳолда ЧАФ қоидаси бажарилганлигининг гувоҳи бўламиз. Буларни алоҳида олиб қараганимизда жадвалнинг "Биламан" қисмини тўлдиришда чақириқ, маърузалар матнларидан янги мавзу ўқиб чиқилишида "Англаш", жадвалдаги бу ҳар иккала қисмни солиштиришда "Тушунмадим" ва "Фикр зид" қисмларини тўлдиришда ўқувчи фикрлашга ундалади. Янги ўтиладиган мавзу тушунилиши қийин, шу билан бирга кўп ҳажмли бўлса, маъруза матнларидан шу мавзуни ўқитувчи томонидан белгилаб қўйилган ҳолда ўқувчиларга тўхтаб-тўхтаб ўқиш тавсия этилади. Ўқитишнинг бундай стратегияси "Тўхтаб-тўхтаб ўқиш" деб юритилади. Бунда мавзудаги ҳар бир тўхташда "Чақириқ, англаш, фикрлаш" алоҳида келади. Дарс сўнгида ўқитувчи томонидан умумлаштирилган ҳолда жадвал тўлдирилса, ўқувчи билими янада мустаҳкамланади. Кимёвий фанларни ўқитишда бирор мавзу бўйича кўпчилик томонидан фикр юритилганда деярли бир хил қисми тушунилмай қолиши эҳтимоли бор. Шунда ўқитувчи томонидан ўқитилаётган кимёвий элементнинг саноатда кенг қўламда қўлланилишига қараб, "Танқидий фикрлаш"нинг кластер стратегиясидан фойдаланиш мумкин. Бу стратегиянинг асосий моҳияти шундаки, мавзуда асосий ўринни эгаллайдиган сўз "очқич сўз" вазифасини ўтайди. Масалан, кимё фанидаги бирор мавзу учун очқич сўз вазифасини "Эритмалар" сўзи ўташи мумкин. Кластер бўйича ўқувчи "Эритмалар" сўзини бир айлана ичига олган ҳолда унинг атрофига ўзи бу ҳақида нимани билса барчасини ёзади.



Кластер стратегиясининг дастлабки бундай кўринишда ёзилишида турли хато ва камчиликларга ҳам дуч келиниши табиий. Бироқ ўқитувчи ва ўқувчилар бунга дастлаб эътибор бермайдилар. Агар хато ва камчиликлар эътиборга олиниб, буларга нисбатан танқидий фикрлаш юритилса, ўқувчининг фикрлаш қобилиятини сусайтириб қўйишимиз мумкин. Эътиборлиси, бундай дарс ташкил этилишида ўқувчига нисбатан ўқитувчи томонидан "билмайсан" тамғаси босилмайди.

Кластернинг умумлаштирилган кўриниши ўқитувчи томонидан ёзув тахтасига ёзилганда ўқувчи ўзининг хато ва камчиликларини билиб олади. Бунда ҳам илму толибларнинг дарсга муносабатлари яхшиланади. Юқорида кўриб чиқилган танқидий фикрлаш дастури стратегияларининг ўқув жараёнида қўлланилиши биринчидан ўқувчиларни эркин фикрлашга, иккинчидан, дарс жараёнида фаоллашишига, учинчидан, ўқувчилар олдинги олган билимларини эслашларига (мустаҳкамлашларига) ва бошқа ижобий натижаларга эришишларига олиб келади.

Х.ЖАЛОЛОВ,
Н.БАҲРИДДИНОВ,
Наманган мухандислик-педагогик институти доцентлари
Н.САРИМСОҚОВА,
шу институт ассистенти

Миришкор туманидаги 5-мактаб директори Ч.Худойбердиев ўқувчиларга информатика фанидан сабоқ бериб келмоқда.
З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Kuz-qish mavsumiga tayyormisiz?

ТАШАББУСНИ ҚАТОР ХЎЖАЛИК ВА ТАШКИЛОТ ЖАМОАЛАРИ ҲАМ ҚУВВАТЛАШДИ

Қўрғонтепа тумани маорифчилари республика Халқ таълими вазирлиги томонидан "Таълим муассасаларини янги 2003-2004 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш" бўйича ўтказилган туманлараро республика кўрик-танловида фахрли I-ўринни эгалладилар. Қўрғонтепаликларнинг бу галги муваффақияти бир неча йиллардан буён Андижон вилоятида халқ таълими тизимининг кўпгина кўрсаткичлари бўйича ғолибликни қўлдан бермай келаётган туман маорифчилари ютуқлари шодасига яна битта дур бўлиб қўшилди.

Албатта, мазкур нуфузли беллашувда ғолиб бўлишнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир таълим муассасасини сифатли таъмирлаш, ўқувчи ва ўқитувчилар учун барча шароитларни муҳайё этиш ҳам маблағ, ҳам катта куч талаб қиладиган юмушлардир.

— Кўрик-танловга жиддий ҳозирлик кўрдик, — дейди туман халқ таълими бўлимининг мудири Исомиддин Зайнобиддинов, — барча таълим муассасаларининг имкониятлари, тайёргарлик босқичидаги режа ва тадбирлари чуқур таҳлил этилди. Ҳомийлар, ота-оналар, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари билан суҳбатлашилди.

Дарҳақиқат, Халқ таълим вазирлигининг танловни ўтказиш юзасидан қабул қилган буйруғи (2003 йил 14 июль) келиши билан таъмирланган ва таъмирланаётган муассасалар қайта кўрикдан ўтказилди. Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 49 та умумтаълим мактаби, 40 та болалар боғчаси ва 5 та мактабдан ташқари таълим муассасасини сифатли таъмирлаш ҳамда куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлаш кўрик-танловга тайёргарлик босқичининг асосий мазмунини ташкил этди.

2003-2004 ўқув йили таъмирлаш режасига асосан 3 та мактаб биносини капитал таъмирлаш ва 46 та мактаб ҳамда 40 та боғча биноларини жорий таъмирлаш, шунингдек, 1000 квадрат метр бино томларини таъмирлаш, 320 квадрат метр синган ойналарни алмаштириш, 30 дона иситиш печкаларини қуриш кўзда тутилган эди. 46 та умумтаълим мактаби ва 40 та болалар боғчаси август ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ жорий таъмирлашдан чиқарилди. Таъмирланиши зарур бўлган 30 та печка ва 442 та ўқув жиҳози ҳам шу муддатда сифатли таъмирлашдан чиқарилди.

Бу, албатта, самарали меҳнат маҳсулидир. Мактаб ҳамда болалар боғчалари жамоаларининг изланиб меҳнат қилишлари, ички имконияти ҳамда сармоядан ташқари ишлаб топилган маблағлардан фойдаланиш натижасида белгиланган режалар ўз муддатида амалга оширилди.

Ўтказилган танловда энг асосий мезон сифатида куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўриш назарда тутилган эди. Туманда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилди. Қиш мавсуми учун 3100 тонна кўмир ва 20 тонна суюқ ёқилғи жамғариш режалаштирилган эди. Айни кунгача бу режа ҳам уддаланиб, муассасалар ёқилғи ташвишидан қутилдилар. Таълим масканларидаги 52 та печканинг 51 таси ўз муддатида жорий таъмирдан чиқарилди. 760 п/м иссиқлик тармоқлари жорий таъмирланди. 3 та мактаб ва 1 та болалар боғчасининг катта ҳажмдаги иситиш қозонлари кичик ҳажмдаги иситиш қозонларига алмаштирилиб, иситиш тармоқлари тўлиқ таъмирланди.

Капитал таъмирлаш режасидаги 3, 8-мактаблар ва Осиё тараққиёт банки иштирокида жиҳозланиши кўзда тутилган 5-мактабда тўлиқ таъмирлаш ишлари бажарилди. Таъмирлаш ишларига 3-мактаб учун туман халқ таълим бўлими томонидан 7 миллион 856 минг сўм ва ҳомий ташкилотлардан 25 миллион сўм маблағ сарфланди. 8-мактабни таъмирлаш учун 4 миллион сўм маблағ сарфланди.

Туман ҳокимлиги ҳам таълим муассасалари моддий-техника негизини мустаҳкамлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, туман ҳокимининг 2001 йил 27 августдаги қарорига асосан туманда умумий ўрта таълим муассасалари ўқув ва моддий техника базасини такомиллаштиришнинг 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинган бўлиб, ушбу дастурни ҳаётга татбиқ этиш борасида анчагина ибратли ишлар амалга оширилди.

Туман ҳокимлиги ташаббусини бир қатор хўжалик ва ташкилотлар жамоалари ҳам қўллаб-қувватлаб, дастур ижросига ўз улушларини қўшмоқдалар. "Намуна" ширкат хўжалиги ўз ҳудудидаги 45-мактабга 10 та печка, ойнак ва пленкалар олиб берди. "Савай" ширкат хўжалиги 43, 44-мактабларга сўнгги русумдаги компьютер, 41-мактабга рангли телевизор ҳадя қилди. 8-гимназияни шахсий компьютер билан таъминлади.

Қўрғонтепа тумани таълим муассасаларини дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усулини синовдан ўтказган туманлардан биридир. 2002-2003 ўқув йилида 46 та умумтаълим мактабининг 2-9-синф ўқувчилари 70 номдаги 16040 дона дарсликлардан ижара усулида фойдаландилар. Шуниси муҳимки, мазкур ўқув йилида туман халқ таълими ходимлари ижара тўловларини амалга ошириш бўйича республикада биринчи ўринни эгалладилар. Янги ўқув йилида ҳам таълим муассасалари ижара тизимида фаолият кўрсатмоқда.

Туман мактабларида спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мана уч йилдирки, туман мактаб ўқувчиларидан сараланган қўл тўпи бўйича ўғил болалар жамоаси республика "Умид ниҳоллари" мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Бу йил Хоразм вилоятида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" мусобақаларида Қўрғонтепаликларнинг қўл тўпи жамоаси фахрли 3-ўринни эгалладилар.

Яқинда туманда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Туман ҳокимининг қарори билан "Савай" ширкат хўжалиги ҳудудидаги 148 миллион сўмлик баланс қийматига эга бўлган спорт мажмуи халқ таълими бўлими ихтиёрига топширилди. Айни пайтда туман халқ таълими бўлими, бир қатор ҳомий ташкилотлар саъй-ҳаракати билан спорт мажмуида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу кунгача мажмуада таъмирлаш ишлари 90 фоиздан зиёд амалга оширилди. Иншоот тўлиқ ишга тушса бугунги кунда спорт билан шуғулланаётган 1090 нафар спортчи ёшлар сафига яна юзлаб ёшлар қўшилиш имкониятига эга бўладилар.

Республика Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 29 сентябрдаги "Таълим муассасаларини янги 2003-2004 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш бўйича туманлараро республика кўрик-танловининг натижалари тўғрисида"ги 143-сонли буйруғи билан мазкур кўрик-танловда I-ўринни эгаллаган Қўрғонтепа тумани маорифчилари компьютер мажмуи билан мукофотланди.

Қўрғонтепалик фидойи, жонкуяр, ўз ишининг моҳирлари бўлган маорифчилар ютуқлари салмоғи кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Уларнинг келгуси ишларида омад тилаймиз.

О.СИДДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Муборак ой арафасидаги бугунги меҳмонимиз Абдулазиз Мансур (Мансуров Азизжон Дадажон ўғли) Тошкент ислом университетида илмий мерос ва диний тадқиқотлар бўйича проректор вазифасида ишлаб келмоқда. Абдулазиз Мансурнинг "Ахлоқ-одобга доир ҳадислар", "Мусулмончиликдан илк сабоқлар", "Ҳадис илми сабоқлари", "Ҳаж ибодати қоидалари", "Абу Мансур Мотуридий таълимоти", "Ислом дини тарихи", "Фиқҳи ҳанафий", "Калом илми", "Нақшбандия тариқатига доир қўлёзмалар фиҳристи", "Ислом гиёҳвандликка қарши" ва бошқа диний асарлари кўпчиликка маълум.

Араб ва форс тилларидан таржима қилган асарлари ҳам талайгина. Жумладан, "Минг бир ҳадис", "Унвонул-баён", "Атбоқуз-заҳаб", "Сийрати ибн Ҳишом", "Фиқҳи акбар", "Ақоиди таҳовия", "Ақоиди насафия", "Назми бадъил амолий", "Ҳадиси қудсий" ва бошқалар.

Шайх Абдулазиз Мансур араб, форс, рус тилларини яхши билади. Араб ёзуви бўйича Ўзбекистондаги кўзга кўринган хаттотлардан бири. Кўфий, насх, сулс, настаълиқ хатларини пухта эгаллаган.

Mehmonxona

— Муборак Рамазон ойи арафасида турибмиз. Бу ойга жуда чиройли таърифлар берилади. Суҳбатимиз аввалида яна бир бор ана шу таърифни эсга олсак.

— Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим. Дарҳақиқат, улуғ айём — Рамазони шариф ойига ҳам, алҳамду лиллоҳ, саломат етиб келдик. Бу ойнинг фазлу фазойиллари тўғрисида жуда кўп ва хўб гапириш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, бу моҳи шариф, Қуръони каримда айтилганидек, тақво ойи. Яъни бир ой мобайнида ўз нафсимизни жисмоний ва руҳий томондан тарбия қиладиган, гуноҳ ишлардан сақланиб, имконимиз борича эзгу, савоб ишларни янада кўпроқ қилишимиз керак бўладиган ойдир. Бу ой яна Қуръон ойи дейилади. Чунки Каломи илоҳий — Қуръони карим ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад (А.С.)га шу ойнинг "Лайлатулқадр" кечасида нозил қилинган. Шунинг учун Рамазони шариф кечаларида ўқиладиган таровеҳ намозларида 30 пора қуръон қориларимиз томонидан ўқилиб хатм қилинади, уламоларимиз томонидан унинг маънолари таржима ва тафсир қилиниб, намозхонлар баҳраманд этилади. Бу ойда Аллоҳнинг раҳмати ёмғирдек ёғилиб, Ер юзида файзу барака зиёда бўлади.

Мана шундай илоҳий неъматлардан барчамизни Яратганнинг ўзи насибу рўзи этсин! Муборак зот — жаноби пайғамбаримиз томонидан айтилган ва бизга қадар етиб келган ҳадиси шарифларни ёшларимиз кўпроқ ўқишларини истар эдим. Ул зотнинг ўгитлари, тавсиялари бугунги кунда фанлар нуқтаи назаридан ҳам ўз исботини топган. Муҳаммад (САВ)нинг соғлиқни сақлашга доир тавсияларини эсга олайлик.

Доимо тоза овқатларни енг. Кўп чайнаб, секин енг. Жуда иссиқ ва жуда совуқ еманг. Овқатдан олдин ва кейин қўл ювинг. Овқатга иштаҳангиз бўлсин, кўп еманг. Овқат ейиш давомида сув ичманг. Қишда ёғли овқатларни, ёзда енгилроқ овқатлар ва кўкатларни енг. Хурмони кўпроқ еб туринг.

— Ислом динини ўзларича ниқоб қилиб олган, на дини, на миллати бўлмаган айрим оқимлар ва турли гуруҳларнинг номақбул хатти-ҳаракатларига қандай баҳо берасиз?

— Бундай ёт гуруҳлар, оқимлар дунёда олдиндан мавжуд эди, буни инкор эта олмаймиз. Мустақиллик йилларида динга нисбатан муносабат ижобий томонга ўзгарди. Ҳукумат даражасидаги қонунлар ҳам қабул қилинди. "Диний ташкилотлар тўғрисида"ги, "Виждон эркинлиги тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидан. Бу неъматларнинг қадрига етиб, шукроналик билан қабул қилиш ўрнига баъзи чаласавод, ношукр тоифалар дин номидан ножўя ҳаракатлар содир этдиким, бу муқаддас динимизга хиёнат, энг улуғ неъмат — тинчлик-осойишталигимизга хуруж сифатида қораланди. Бизнинг диёримизга хориждан кириб келган ёт ғоялар баъзи экстремистик руҳга эга бўлган жангарилар томонидан қўллаб-қувватланди. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ ташвиқотлардан таъсирланган соддадил баъзи ёшларимиз тўғри йўлдан чалғиб, ҳатто ўз Ватанига, ўз динига, ўз мазҳабига хиёнат қилишгача бориб етди. Лекин ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлардан кейин вазият ижобий томонга ўзгарди. Ислом дини ҳеч қачон қандайдир ғаламисларнинг касофати билан ўз обрўсини, салобатини йўқотмайди.

Ҳар бир нарса-ҳодисага оқилона муносабат билдиришимиз, уни ўз оти билан аташимиз керак. Ислом дини номидан кимдир қўпорувчилик ёки бузғунчилик қилаётган бўлса, бу диннинг айби эмас. Ҳозирги пайтда ҳокимиятни қўлга киритиш мақсадида турли гуруҳлар ҳар жойдан бош кўтарган. Ғаразли мақсадларини амалга ошириш йўлида улар ҳеч нарсадан қайтмаётирлар. Дунёда юз бераётган хунрезликларнинг барчаси ҳар қандай дин, жумладан ислом дини нуқтаи назаридан ҳам қораланади. Лекин афсуски, баъзан бу жараёнга ислом ёки мусулмонлар айбдор қилиб кўрсатилмоқда. Ҳеч қачон мусулмон одам террорист бўлмайди, террорист эса мусулмон эмас. Террорчининг на дини, на миллати ва на Ватани бор.

— Ўзбекистон мустақиллиги йилларида очилган Тошкент ислом университетининг бугунги фаолиятида янгиликлар анчагина. Бу ерда ихтисослашган мактабнинг очилгани, академик лицей таълимининг йўлга қўйилиши ёки хориждаги бошқа турдош олий ўқув даргоҳлари билан ҳамкорликка йўл очилгани шундан далолат. Университетнинг истиқболда кўзда тутилаётган вазифаларига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Тошкент ислом университетининг очилиши халқимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу йил олий даргоҳнинг биринчи қалдирғочлари — юқори малакали мутахассислар дипломларини олиб, турли соҳаларда ўз фаолиятларини бошладилар. У фақат таълим ўчоғи эмас, балки турли соҳа мутахассислари учун ҳам илмий малакаларини оширадиган, диний ва илмий саволлар билан мурожаат қилинадиган, аждодларимизнинг бебаҳо асарлари ўрганилиб, она тилимизга ўгирилиб нашр этиладиган ва бошқа кўплаб хайрли тадбирлар ўтказиладиган масканга айланиб қолгани қувончли бир ҳолдир. Келажакда бу ишларни давом эттирган ҳолда халқимизнинг руҳий, маънавий ва маърифий эҳтиёжларини қондириш, мамлакатимиз равнақини ошириш йўлида кўплаб дастур ва режалар тузиб қўйилганким, уларнинг рўёбга чиқиши учун университетда барча имкониятлар мавжуд.

Янги университет мамлакат Президенти Ислом Каримов ва ҳукуматнинг халқимиз маънавиятини юксалтиришга, тарихи минг йилдан кўҳнароқ исломий меросни янада теранроқ ўрганиш, динимиз равнақига, тараққиётига хизмат қиладиган, диний ва дунёвий-замонавий билимларни чуқур эгаллаган ёш алломаларни тарбиялашга бўлган улкан эътибори ва ғамхўрлиги рамзи ўлароқ юзага келди. Мамлакат раҳбари университетни Тошкентнинг марказидаги табаррук гўша, кекса-ёш ўтганида юзига фотиҳа тортадиган қадамжолардан бири атрофига жойлаштиришни маслаҳат берганларини ҳам таъкидламоқ жоиз.

Университет Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги илм маскани ҳисобланади. Уни ташкил этиш ҳақидаги фармон эълон қилингандан кейин бу ўқув даргоҳи учун ажратилган ҳудуд ва биноларни замонавий талаблар даражасига етказиш учун қизғин иш олиб борилди. Ҳовлилар текисланиб, турли манзарали ва мевали дарахтлар, гулу кўкатлар экилди. Ўқув юрти ҳудудидаги Юнусхон мақбараси, университетнинг маъмурияти жойлашган иморат, ўқув хоналари бежирим ва файзли қилиб таъмирдан чиқарилди. Бугунги кунда бу ерда талабаларнинг ўқиш ва дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Ёруғ, баҳаво, сабоқ хоналари энг замонавий ўқув-техник асбоб ускуналари, компьютерлар билан жиҳозланган. Махсус лингафон хонаси, интернет тармоғи мавжуд. Кутубхона ишлаб турибди.

Устоз-мураббийлар ўз ўқув-тарбия ишларини ташкил этишда, албатта, мамлакатимизда минг йилдан ортиқроқ фурсат оралиғида шаклланиб, такомил топган қадриятлар, исломий таълим анъаналари, мударрисларнинг бой тажрибаларидан ҳам фойдаланадилар. Шу билан бир қаторда университет ўз олдига жаҳондаги энг илғор, нуфузли таълим даргоҳларининг тажрибасини ўрганишни ҳам мақсад қилиб қўйган. Шу йўналишда ўтган давр мобайнида Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Қувайт ва бошқа давлатларнинг университетлари, илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

— Бу ерда тез-тез халқаро анжуманлар ҳам ўтказилиб туришидан хабаримиз бор...

— Фикрингиз тўғри. Университетимизда чиндан ҳам дунё миқёсидаги халқаро анжуманлар бўлиб туради. Масалан, 1999 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Фридрих Эберт номидаги жамғарма(Германия)лари билан биргаликда "Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг Шарқ халқлари маданиятидаги ўрни" мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилганини яхши эслайман. Анжуманда Ф.Эберт номидаги жамғарманинг минтақавий директори Дибольд, Ўзбекистон, Германия, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг таниқли олимлари ва жамоат арбоблари, шунингдек, бир қатор мусулмон давлатларининг Тошкентдаги элчихоналаридан вакиллар қатнашдилар.

Юртбошимиз Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президети Владимир Путин бошчилигидаги делегациянинг бу ерга ташрифи ҳам жуда катта тарихий аҳамиятга эга. Учрашувда Владимир Путин Тошкент ислом университети фахрий талабалигига қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ва университет ҳамкорлигида "Жаҳон динлари: тинчлик маданияти йўлида" мавзуида халқаро анжуман ўтказилганини ҳам эслаш кифоя.

— Албатта, бундай нуфузли даргоҳнинг таълимдаги сифат кўрсаткичлари сармояларга ҳам бориб тақалади. Университетни ривожлантириш жамғармасининг ташкил қилиниши бу борадаги саъй-ҳаракатларни яна ҳам қўллаб-қувватласа керак?

— Жамғарманинг ташкил қилиниши нур устига нур бўлди. У ўз фаолиятида диний ва дунёвий фанлар бўйича чуқур ва ҳар томонлама таълим олган, илмий тадқиқотлар олиб борадиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга кўмаклашади. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш мақсадида ҳомийлар, хорижий таълим ва илмий марказлар, халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиради. Ички ҳамда чет эл сармояларини юқори малакали кадрлар тайёрлаш, шунингдек, турли ўқув қўлланма ва адабиётлар нашр этишга жалб қилади. Бундан ташқари таълимга доир халқаро лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқишда иштирок этиб, университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш ҳам ушбу жамғарма вазифасига киради.

— Университетда манбалар хазинаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Қисқача шу ҳақда ҳам гапириб ўтсангиз.

— Аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган илмий, диний, маънавий меросимиз дурдоналарини жамлаш, тартибга келтириш, уларни келгуси авлодларга етказиш, булар асосида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, нашр этиш, каталоглар тузиш, илмий истифодага киритиш ушбу хазинанинг фаолиятига мосдир. Жамғармада 800 дан ортиқ қўлёзма, босма нодир нашрлар мавжуд. Уларни ўрганишга нафақат университет профессор-ўқитувчилари, балки иқтидорли талабалар ҳам жалб қилинмоқда. Аҳоли томонидан ихтиёрий равишда топширилган қадимий қўлёзмалар ҳам қабул қилиниб, экспертизадан ўтказилади. Шундан сўнг улар ўрганишга киришилади.

— Сиз Қуръони каримни ўзбекчага ўгирдингиз. Айтинг-чи, бу муқаддас китоб таржимасида қайси нусхадан фойдаландингиз ва қийинчиликлар нималардан иборат бўлди? Албатта, араб имлосидаги муқаддас китобни ўзбекчага ағдариш осон кечмагандир...

— Қуръони карим маъноларини таржима қилишда мен буюк аждодларимиз ёзиб қолдирган диний ва илмий асарлардан фойдаландим. Араб тилида ёзилган ўнлаб тафсирлар оятларнинг мазмунини чуқурроқ англаб, уларга изоҳ беришимда қўл келди. Ҳозирда таржиманинг тўлдирилган, қайта таҳрир этилган иккинчи нашри устида ишламоқдаман. Ҳақиқатан ҳам бу машаққатли ва шу билан бирга мароқли иш ҳамдир. Бу йўлдаги меҳнат ва заҳматни мен роҳат ва фароғат деб биламан.

— Сизнинг мактаб йилларингиз қайси даврларга тўғри келган? Устозларингиздан қайси бирининг қандай хислатлари ёдингизда қолган?

— Мен 1951—1961 йилларда мактабда ўқиганман. Она тили ва адабиёт, рус тили, тарих ўқитувчиларим сира ёдимдан чиқмайди. Устозларим бизга фақат эзгулик, билим, ахлоқ ва одобдан сабоқ берганлар. Уларнинг инсоний фазилатларига ҳавас қилиб, уларга ўхшашга интилганмиз. Улардан ҳозирда оламдан ўтганларини Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин, барҳаётларининг умрларига барака, имонларига саломатлик ато этсин!

— Илоҳий мўъжизаларнинг борлигига ишонасизми?

— Илоҳий мўъжизаларнинг барчасига ишонаман. Шундай мўъжизалардан бири бу ҳазрати инсон. Инсонга Ҳақ таоло шундай истеъдод, заковат, ақл ва идрок бахш этганки, улар воситасида инсон ҳам мўъжизакорга айланиб, тараққиёт сари доимо интилиб бормоқда.

— Рўзаи рамазон ойининг бошланишида "Маърифат" мухлисларига қандай тилаклар билдириб қоласиз?

— "Маърифат" мухлисларига муборак айёмларни яхши кутиб олиб, яхши кузатиш, ўз маърифатларини кундан-кунга ошириб бориш, келажакда комил инсонлар қаторидан жой олишларига тилакдошман.

Абдулазиз МАНСУР:

ИСЛОМ — ИНСОНПАРВАР, МАЪРИФАТПАРВАР ДИН

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

Joriy yilning mart oyida O'zbekiston ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy qo'mitasi ushbu xalqaro tashkilotga a'zolikka qabul qilindi.

Seminar

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ МУАММОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Йод ҳаётий муҳим бўлган овқатланишнинг микроэлементидир. Йод бўқоқ безларининг гормонлари таркибида бўлади. Бу гормонлар инсон иш фаолияти давомида муҳим роль ўйнайди: модда алмашиш жараёнига таъсир қилади. Организмда йод танқис бўлса, турли хил касалликлар келиб чиқади. Бола ақлий жиҳатдан яхши ривожланмайди, эшитиш қобилияти, хотираси ва нутқи ҳамда жисмоний ва жинсий ривожланиши кечикади. Бўқоқ безлари катталашиб кетади, бола тез чарчайди, толиқади, фанни яхши ўзлаштира олмайди. Организмни йод билан таъминлашнинг асосий манбаси, бу озиқ-овқат бўлиб, айниқса ош тузидир.

Ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бирига айланган йод танқислигининг олдини олиш борасида Халқ таълими вазирлиги 2003 йил 7 августда "Мактаб ўқувчилари ўртасида ош тузидаги йод таркибини аниқлаш бўйича бир кунлик акция ўтказиш ҳақида" буйруқ чиқарган эди. Ушбу буйруқни бажариш мақсадида яқинда республика Таълим марказида ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва барча вилоят халқ таълими бошқармалари вакиллари иштирокида республика семинари ўтказилди.

Семинарда кўпгина масалалар, қилиниши керак бўлган ишлар тилга олинди. Йод танқислигининг олдини олиш борасида умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига амалий-услубий ёрдам берилди.

Малоҳат ҲАСАНОВА,
республика Таълим маркази "Соғломлаштириш" бўлимининг бош услубчиси

«ОНА ТИЛИНГИЗНИ СЕВИНГ, АРДОҚЛАНГ»

Tadbir

Она тилимизга расман давлат тили мақоми берилганига ўн тўрт йил тўлиши муносабати билан Низомий номидаги ТДПУ ўзбек тили ва адабиёти факультетида байрам тадбири ўтказилди. "Она тилингизни севинг, ардоқланг" шиори остида ўтказилган тадбирни филология фанлари факультет декани, Йўлдошев очар экан, номзоди Иброҳим мурожаатида тилни талабаларга қилган севиш ва ардоқлаш амалда бўлсагина, у янада жозибали бўлишини таъкидлади.

— Тилимизнинг жозибасини сақлаш ва ошириш сиз ва эртага сиз сабоқ берадиган ўқувчига боғлиқ эканини ҳар дақиқа ҳис этинг, — деди пировардида И.Йўлдошев.

Сўнгра факультетнинг магистр ва бакалавр йўналишидаги талабалардан ташкил топган "Садоқат" ҳамда "Ватанпарвар" жамоалари ўртасида тил, санъат, адабиёт борасида савол-жавоб, мушоира, саҳна кўринишларидан иборат танлов ўтказилди. Қизиқарли ўтган беллашувда "Ватанпарвар" йигитлари ғолиб чиқишди. Ғолиб ва иштирокчиларга университет "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотининг совға ва фахрий ёрлиқлари топширилгач, тадбир мусиқа факультети талабалари ижросидаги тароналарга уланиб кетди.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли

Xalqaro hamkorlik

ДЎСТОНА ВА ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси, Марказий қўмитаси таълим ходимлари касаба уюшмаси халқаро ташкилоти (Education International) билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, биргаликда таълимнинг самарадорлигини оширишга оид тадбирлар ўтказа бошлади.

Таълим ходимлари касаба уюшмаси халқаро ташкилоти ўқитувчиларнинг энг йирик уюшмаси ҳисобланиб, 1993 йилда ташкил этилган. Ҳозирги даврда ушбу ташкилот 160 мамлакатдаги 313 та миллий ташкилотни бирлаштириб, 26 миллиондан ортиқ аъзоларига эга.

Шуниси эътиборга сазоворки, таълим ходимлари касаба уюшмаси халқаро ташкилоти томонидан ўтказилган анжуманлар фаолияти халқаро тажриба алмашинуви, давлатлар учун умумий бўлган таълим соҳасидаги муаммоларнинг ечимини топиш ва ҳал этиш, Дакарда қабул қилинган "Таълим ҳамма учун" дастури вазифаларининг миллий миқёсда татбиқ этилиши учун касаба уюшмаси раҳбарларининг билимларини кенгайтириш ҳамда ҳаракатларини фаоллаштириш ва бошқа масалаларни ёритишга қаратилган. Республикамиз таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакиллари 1997 йил Куала-Лумпурда, 2002 йил Олмаотада ўтказилган халқаро семинарларда фаол қатнашдилар.

Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ушбу халқаро ташкилотга аъзоликка қабул қилинди.

Бу ташкилот билан ҳамкорлик ва келишувга асосан, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси 2003 йил 16-18 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари касаба уюшмаси ташкилотлари вакиллари учун "Сиёсий ва ижтимоий шерикчиликнинг ўқитувчи мавқеини оширишдаги роли" мавзусига бағишланган давра суҳбатини ўтказди.

Таълим сифатини оширишнинг асосий омилларидан бири ўқитувчи нуфузини кўтариш ва юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш, Марказий Осиё минтақаси давлатларида мавжуд ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш борасидаги суб-регионал ҳолатларини қиёсий таҳлил қилиш, давлат таълим вазирликлари билан ХТТ (МОТ) ЮНЕСКОнинг таълимнинг асосий масалалари ва ўқитувчининг нуфузи, касбий маҳорати бўйича тавсияномаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда шу асосда ижтимоий мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш, "Таълим ҳамма учун" дастурининг мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш учун миллий (суб-регионал) миқёсда минтақавий ячейкаларни ташкил этиш, минтақалар таълим сифатини ошириш учун таълимнинг миллий сиёсати, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича тавсияномаларни такомиллаштириш давра суҳбатининг асосий мақсади эди.

Унда ЮНЕСКО вакили К.Каримов "Марказий Осиё минтақасида Дакар ҳаракат дастури мақсадлари бўйича қилинган ишлар", Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг директори ўринбосари А.Файзиев ҳамда Республика Халқ таълими вазирлиги Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи А.Калонтаров "Ўзбекистонда таълим соҳасидаги сўнгги кўрсаткичлар", Халқаро Таълим Ташкилоти (Education International)нинг Осиё-Тинч океани минтақаси бўйича Бош мувофиқлаштирувчиси Э.Мэтьюс "Халқаро Таълим Ташкилотининг "Таълим ҳамма учун" дастури мақсадларини амалга ошириш борасидаги фаолияти", Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси З.Қодиров "Ўқитувчиларнинг нуфузи, ахлоқий сифатлари ва касбий маҳоратларини яхшилаш масалалари" мавзуларида маъруза қилдилар. Маърузалар юзасидан қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасидан иштирок этган ҳар бир республика вакиллари ўз юрти таълимидаги ўзгаришлар ва долзарб муаммолар билан ўртоқлашдилар.

Давра суҳбатидан сўнг жорий йилнинг 19-21 октябрь кунлари республика касаба уюшмаси фаоллари учун "Бозор иқтисодиёти шароитида таълим ходимлари касаба уюшмасининг роли" мавзусида семинар уюштирилди.

Семинарда Халқаро Таълим Ташкилоти "Education International"нинг Осиё-Тинч океани минтақаси бўйича мувофиқлаштирувчиси Рей Долотнинг тўрт қисмдан иборат "Бозор иқтисодиёти шароитида таълим ходимлари касаба уюшмаларининг роли", "Education International" ва унинг фаолияти", "Касаба уюшмаларининг ташкилий ишлари ва фаолиятини режалаштириш (стратегик режалаштириш)", "Касаба уюшмаси бошқаруви ва қарорлар қабул қилиш (консепциялар, принциплар ва амалиёт)" мавзусидаги маърузалари тингланди.

Ўқитувчи — матонат тимсоли. У меҳр-муҳаббат, эзгулик рамзи. Зеро, боланинг мурғак қалбига эзгулик уруғини қадаган, илмга ташналик, ота-она, Ватанга меҳр ҳиссини уйғотадиган хокисор инсон бу ўқитувчидир. Шу боис эл-юрт истиқболи айни шу касб эгаларининг фаолиятига боғлиқ. Чунки, мамлакат келажаги фарзандлар истиқболида бўй кўрсатади. Ушбу заҳматкаш касб эгаларининг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини ошириш, уларни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тармоқ касаба уюшма ташкилотлари билан иш берувчиларнинг ҳамкорликдаги вазифаларидир.

Хусусан, Марказий қўмита ҳамкор ташкилотлари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази билан тассарруфдаги таълим муассасалари педагог-ходимлари, профессор-ўқитувчилари, талаба-ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-маънавий ҳимояси, уларнинг меҳнат ва таҳсил олиш шароитлари муқобиллиги ва хавфсизлиги, соғломлаштирилиши бўйича тармоқ келишувларини имзолаган ва шу асосда фаолият олиб бормоқда.

Таълим ходимлари касаба уюшмаси халқаро ташкилоти (Education International) билан келишувга асосан, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари касаба уюшма ташкилотлари вакиллари иштирокидаги давра суҳбати ва тармоқ касаба уюшмаси фаоллари иштирокидаги семинар таълим тизимида юқоридаги эзгу мақсадларни амалга ошириш, ушбу соҳадаги халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Маҳмуда МИРЗАЕВА,
Марказий қўмитанинг ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси

O'zbekiston tumanlararo fuqarolar sudi esa O'.Obidovga nisbatan ijarachi N.Egamberdievga yetkazgan moddiy va ma'naviy zararni qoplash maqsadida 365 ming so'm (!) miqdorida jarima undirib berish haqida hukm chiqaradi.

Бир шикоят изидан МОЖАРОСИ

Bir shikoyat izidan

Таҳририятга Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Қазоқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини мактаб қурилиши ва спорт ишлари билан шуғулланувчи комиссия раиси, маориф фахрийси Ўсанбой Обидовдан шикоят хати келди. Унга қишлоқ аҳолиси ва футбол жамоаси аъзоларининг 33 нафари ҳам имзо қўйган. Бешариқ тумани ҳокими С.Мамадиевга, 31 киши имзо чеккан "Камолот" ёшлар ижтимоий харакати туман кенгаши раиси Б.Ёрматовга ёзилган аризалар нусхаси илова қилинган эди.

Шикоят хатида айтилишича, Қазоқўрғон қишлоғида яшовчи фуқароларнинг болалари ўз қишлоқларида мактаб бўлмаганлиги сабабли бу ердан олисроқ бўлган 23-мактабга қатнаб ўқишар экан. Фуқароларнинг туман раҳбарларига бир неча бор қилган арзлари инобатга олиниб, 1991 йили қишлоқ ҳудудидан 160 ўринли мактаб биноси қуриш учун 0,16 гектар ҳамда фойдаланиш учун 0,98 гектар ер майдони ажратилади. Шунингдек, шу жойдан қишлоқ ёшларини спорт билан шуғуллантириш мақсадида 0,35 гектарга майдон ҳам ажратиб берилган.

Қурилиши бошланган мактаб биноси иқтисодий қийинчилик туфайли тўхтаб қолган. 1998 йилда эса шу мактаб ёнида яшовчи Неъматулло Эгамбердиев фойдаланиш учун ажратилган ерга ҳамда болалар спорт билан шуғулланиб турган стадион майдонига кўчат экиб боғ ташкил этади. Натижада қишлоқ болалари шуғулланиб турган 0,35 гектар даги спорт майдони йўқ қилинган ва шикоят хатида ана шу майдонни қишлоқ аҳолиси ва футбол жамоаси шуғулланиб туришлари учун уларга қайтариб олиб беришда таҳририятдан ёрдам сўраган эди.

Таҳририят топшириғи билан шу шикоят хати юзасидан Бешариқ туман ҳокими С.Мамадиев билан суҳбатлашдик. У киши бу масала бўйича туман ҳокимлиги томонидан комиссия тузилиб ўрганиб чиқилганлигини айтди. Аниқланишича, мактаб биноси қурилиши чала қолган бўлиб, ер майдони Бешариқ ширкат хўжалик ихтиёрида эканлиги сабабли хўжаликнинг собиқ раҳбарлари ерни фуқаро Н.Эгамбердиевга шартнома асосида боғ қилиш учун бериб юборган. Фуқаро Ў.Обидов раҳбарлигида қишлоқ футбол жамоаси 0,35 гектар ердаги стадионга экилган кучатларни суғуриб ташлангани сабабли низо келиб чиқиши натижасида иш судгача бориб, Ў.Обидовга нисбатан жарима солинган.

Мавзу юзасидан "Бешариқ" ширкат хўжалиги бошқарув кенгаши раиси Р.Усмонов билан ҳам суҳбатлашдик. У киши мутасадди кишиларга керакли ҳужжатлар билан таъминлашни топширди. Ширкат ер тузувчиси О.Рўзматов тақдим этган хўжалик харитасида ҳақиқатдан ҳам жами 1,48 гектар ер мактаб учун ажратилганлиги кўрсатилган. Лекин иқтисодчи Ҳ.Ҳасанов, ҳуқуқшунос А.Тўраевларнинг таъкидлашича, бу ер майдони ширкат хўжалиги тасарруфидан чиқарилмаганлиги сабабли экин майдонлари ҳисобига киради ва шартнома асосида Н.Эгамбердиев 1999 йилдан буён даромаддан 50 фоиз ширкат хўжалигига кирим қилиб келади.

Ҳужжатлар билан танишар эканмиз, бизга шу нарса маълум бўлдики, иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирган "Бешариқ" ширкатлар уюшмаси 2000 йилга келиб давлат санациясига тушади. Шу санация асосида уюшма ўрнида 3 та хўжалик қайтадан ташкил этилади. "Бешариқ" ширкат хўжалиги ҳам шу тарзда қайтадан ташкил этилган. Қонунчиликда маълумки, қайта шаклланган янги хўжалик собиқ хўжалик вориси ҳисобланиб, барча ҳужжатлар тегишли ер, техника воситалари шу хўжаликка мерос сифатида ўтказилади.

Биз яна 1991 йил тафсилотига қайтамиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, Қазоқўрғон қишлоғи аҳолисининг аризаси қондирилиб, ўша даврдаги раҳбариятнинг қарори асосида собиқ "Бешариқ" давлат хўжалиги тасарруфидаги 1,48 гектар экин майдони мактаб учун ажратилган. Лекин нима учундир шу қарор асосида ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ер майдони қишлоқ фарзандлари қатнаб ўқиётган 23-мактаб ихтиёрига ўтказиб берилмай қолиб кетган! Мутасадди раҳбарларнинг гапига қараганда, бу қарор вилоятда тасдиғини топмаган. 1998 йилга келиб эса мактабга ён қўшни бўлган Н.Эгамбердиев собиқ ширкатлар уюшмасига қаровсиз ётган мактаб майдонида боғ ташкил этиш учун шартнома асосида 10 йилга ижарага берилишини сўраб ариза ёзади. Н.Эгамбердиевнинг айтишича, у мактаб учун қурилаётган бинонинг қаровсиз ҳолда қолганлиги сабабли талон-тарож қилинишининг олдини олиш мақсадида шу жойда боғ қилиб ҳам ерга, ҳам мактаб биносига қараб туриш ниятида бўлган. Ўша йилнинг кузида ширкат уюшмаси ва фуқаро Н.Эгамбердиев ўртасида мазкур ернинг 0,80 гектар майдонида боғ барпо этиш, боғ шакллангунга қадар фойдаланаётган ердан олинган даромаднинг 50 фоизи уюшма хазинасига топширилиши, 50 фоизи эса ўз харажатлари ва маош учун олиб қолиниши кўзда тутилган. Лекин шуниси ажабланарлики, тузилган 4-сонли шартнома кетидан яна бири, 5-сонли шартнома тузилиб, 0,52 гектар ерда ҳам боғ ташкил этиш кўзда тутилади. Қишлоқ аҳолиси ва унинг ёшлари ҳамда фахрий педагог Ў.Обидовларни ғазабга келтирган ва юқори ташкилотларга ёз-ёзларни бошлаб беришига ана шу кейинги шартнома сабаб бўлган. Чунки бу шартномада кўрсатилган майдонда қишлоқ ёшлари фойдаланиб келаётган стадион учун ажратилган ер ҳам мавжуд эди. Таажжубланарли ҳол шундаки, фуқаро Н.Эгамбердиевнинг уюшмага берган дастлабки аризасини ҳам, бошқарув кенгашининг шартнома тузиш ҳақидаги қарорини ҳам бизга тақдим эта олишмади. Хўжалик иқтисодчиси Х.Ҳасановнинг гапига қараганда хўжалик санацияга тушгандан сўнг барча ҳужжатлар вилоят архивига юборилган экан. Лекин қайта ташкил этилган хўжаликка тегишли бўлган ҳужжатларнинг ҳеч бўлмаса нусхаси сақланиши керак. Акс ҳолда аввал тузилган шартнома қарорларисиз ижарачилар фаолиятини давом эттириш асоссиз қолади-ку. Ана шундай қарор, қолаверса, ижарачининг қўлида ҳам бўлиши шарт. Бу ҳар иккала шартноманинг асоси бўлиши шарт бўлган қарорлар Н.Эгамбердиевда ҳам топилмади. У кишидан сўраганимизда "Менга ўша пайтда қарор чиқариб беришмаган. Мен эса тушунмаганлигим сабабли талаб қилмаганман", деб изоҳлади.

Хуллас ширкат хўжалиги (собиқ уюшма хўжалиги) бошқарув кенгаши қарорисиз стадион ўрнига экилган кўчатлар суғуриб ташланади. У.Обидов эса бу ишнинг ташкилотчиси сифатида Н.Эгамбердиев томонидан судга берилади. Ўзбекистон туманлараро фуқаролар суди эса Ў.Обидовга нисбатан ижарачи Н.Эгамбердиевга етказган моддий ва маънавий зарарни қоплаш мақсадида 365 минг сўм (!) миқдорида жарима ундириб бериш ҳақида ҳукм чиқаради.

Тўғри, биз бу ишда домлани ҳам оқламоқчи эмасмиз. Кўпни кўрган, етарли тажрибага эга бўлган инсон сифатида у киши Н.Эгамбердиевга тушунтириши, у тушунмаган ҳолда хўжалик ёки туман раҳбарларини бу ишни ажрим қилишга жалб этиши лозим эди.

Шу ерда яна бир нарсани эслатиб ўтиш жоизки, бу ҳолатга фуқаролик суди эътибор бериши лозим эди. Икки томонлама тузилган шартноманинг 4,4-чи бандида "Агар ижарачи икки йил давомида ижара шартномавий режасини бажармаса берилган ер қайтариб олиб қўйилади", деб кўрсатилган. Лекин 2001 йилга 7-сонли шартнома бўйича ижарачи Н.Эгамбердиев томонидан ширкат хўжалиги омборига қатор орасидан 0,60 гектар ердан 25 ц дан 1500 кг. буғдой, иккиламчи экиндан 6000 кг. кўк масса топшириши кўрсатилган. Шундан ижарачи 50 фоизини уюшма омборига топшириши шарт эди. Лекин ижарачи 750 кг. ўрнига 390 кг. буғдой топшириб режани бажармаган. Кўк масса эса умуман етказиб берилмаган. 1999 йил шартномасида "Қатор орасига экилган экиндан 50 фоиз уюшмага топширилади", деб қайд этилган. Аммо маҳсулот етиштириш миқдори кўрсатилмаган. 2000 йил учун тузилган шартнома эса ижарачининг қўлида ҳам, ширкат хўжалиги архивидан ҳам топилмади. Шу йил учун ҳам ижарачи 390 кг буғдой топширган, холос. 2002 йил учун ҳам ердан олинадиган даромад топшириш режаси барбод бўлган. Демак, тузилган шартноманинг юқоридаги бандига асосан ер ижарачидан ўша йиллардаёқ олиб қўйилиши керак эди. Биз бу ер майдонини бориб кўрганимизда ер серҳосил эканлиги ва қатор ораларидаги маккапоялар одам қатори бўй чўзганлигининг гувоҳи бўлдик.

Тўғри, ташкил этилган 0,80 гектар ердаги боғнинг олди мевага кириб қолган. Н.Эгамбердиевнинг сўзига қараганда, бу боғ мактаб битиши билан унинг ихтиёрига топширилади. Бу яхши, албатта. Лекин қишлоқнинг ёшларига, стадион ҳам керак-ку. Ҳозирча эса шу жойда экилган маккапоя ҳам Н.Эгамбердиевга қарашли бўлиб, бу ердан олинадиган кўк масса учун шартнома тузилмаган.

Шикоят хати бўйича иш билан танишиш давомида ижарачи Н.Эгамбердиев қишлоқ ёшлари учун бугунги кунда спорт майдони зарур эканлигини, кекса муаллим Ў.Обидов ўзи учун эмас, ана шу ёшлар қайғусида юрганлигини, қолаверса, "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Президент фармони бежиз чиқарилмаганлигини, шу фармон асосида жойларда спорт иншоотлари қурилаётганлигини тушунгандай бўлди.

Энг асосийси, мавзуга сўнгги нуқтани ширкат хўжалиги раиси Р.Усмонов қўйди. Унинг таъкидлашича, мактабга тегишли бўлган ер хўжалик ҳисобидан чиқарилиб, 23-мактаб тасарруфига ўтказиб берилади. 0,35 гектар ер майдонида стадион ташкил этилади. Бу ҳақдаги хўжалик кенгашининг қарори туман ҳокимлигига тақдим этилган. Демак, иш қишлоқ ёш спортчилари фойдасига ҳал бўлиш арафасида.

Шикоят бўйича кўрилган иш жойида ҳал бўлган экан, бу ҳақда газетада ёзиш шартмиди, деган савол туғилиши мумкин. Биз нингча, шарт эди. Чунки, биринчидан, бундай ҳолат фақатгина шу туман, шу қишлоқдагина рўй берганлигини ҳеч ким кафолатлай олмайди. Демакки, Республикамизнинг турли бурчакларида, чекка қишлоқларида ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларига, уларга етарли шароит яратиб беришга тўғаноқ бўлаётганлар бўлиши мумкин. Мазкур мақоламиз уларнинг ҳам бугунги кун сиёсатига, давр талабига тўғри кўз билан қарашларига туртки бўлса, ажаб эмас.

Кези келганда туман хокимлигига, вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбариятига бир оғиз сўзимиз бор. 2003-2004 ўқув йилида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилаётган мактаб учун каттагина маблағ зарур. Эндигина оёққа тураётган "Бешариқ" ширкат хўжалигининг бир ўзи бунча маблағни топишда қийналиши турган гап. Маблағ топилмаса бу қурилиш яна узоқ йиллар битмай қолиши, қишлоқ болаларининг орзулари армонлигича қолиб кетиши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда халқ таълимини ислоҳ қилиш, қишлоқ мактабларининг шароитини яхшилаш ишлари жадал давом этмоқда. Жойларда туман ҳокимларининг ташаббуси билан қўшимча бинолар, янги мактаблар ҳашар йўли билан барпо этилмоқда. Бешариқ туманида ҳам ана шундай ишлар амалга оширилаётганлиги бизга маълум. Ана шу эзгу ишлар қаторида биз қаламга олган мактаб ҳам битириб фойдаланишга топширилса савобли иш бўлар эди. Шунда Қазоқўрғон қишлоқ аҳлининг орзулари ҳам рўёбга чиқар.

Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

O‘g‘lim, men ahmoq bo‘lib, pari deb ikki dushmanni zilday qilib ko‘tarib yurgan ekanman.

Kuchuk bosmas yo‘lbars, sherning izini, Izlab chiqdim Qosimshohning qizini...

MALIKA AYYOR

DOSTON

(Davomi. Boshi gazetamizning 83-, 84-, 85-sonlarida.)

Gulqiz oyim bu so‘zni eshitib, o‘rnidan turgani malol kelib, kanizaklariga qarab bir so‘z deb turipti:

Xazon bo‘lmay bog‘da gullar so‘lipti
Mazgilima qanday odam kelipti,
Gulzamon keb ta’rif qilib turipti,
Borib ko‘ring qanday mehmon kelipti...

Qanday o‘g‘lon ko‘rayin deb,
Borib holin so‘rayin deb,
Qudag‘ay menga nasib qilsa,
Borib o‘ynab kulayin deb,
Jo‘nadi pari, jo‘nadi.
Jo‘nadi oyim, jo‘nadi.
Jo‘nadi barno, jo‘nadi,
Jo‘nadi maston, jo‘nadi.

Pastki ko‘shkiga yetib, Avazjonning qaddi-qomatini ko‘rib, oshiqi beqaror bo‘lib, «Mardning boshi yerda qolmasin» deb Avazjonning boshini tizzasiga olib, «Qaysi mamlakatdan kelding?» deb so‘rab bir so‘z dedi.

Bir lochin boqishli, Rustam jasadli,
Ey lochin boqishlim, qaydan bo‘lasan?
Qaysi eldan, qaysi yurtdan kelasan?
Qanday shohning, qanday bekning o‘g‘lisan?
Iskab ko‘rsam magar jannat gulisan,
Xabar bergin, qaysi eldan kelasan?..

Sen eshitgin Gulqiz oyim arzini,
Ko‘rib tamosho qil gulday tarzini,
Yolg‘on dema Gulqiz pari so‘zini
Menga aytgin, jonim, qaydan kelasan?
Nasib bo‘lsa, birga o‘ynab kulasan,
Yo bilmayman biror yerga borasan?

Avaz manglayining yorilganidan xafa bo‘lib, boshini ko‘tarmay yotgan edi. Ko‘zini ochib qarasa, parizod boshini tizzasiga olib o‘tiripti. «Yendi boshimni ko‘tarmasam bo‘lmaydi, bu qizlar bilan gaplashayin» deb, boshini ko‘tardi. Qarasa, atrofini ko‘p barno qizlar qurshab turipti. Bularni bu holda ko‘rib, dumog‘i chog‘roq bo‘lib bir so‘z dedi:

Bahorda ochilgan bog‘ning guliman,
Yunus ham Misqolning joni-diliman,
Chambil elida G‘o‘r o‘g‘lining uliman[1].
Chambil eldan, jonim, munda kelaman...

Sen eshitgin Avazjonning so‘zini,
Izlab chiqdim Qosimshohning qizini,
Malika Ayyor degan sarvinozini,
Pari deydi shohning jodu ko‘zini,

Minib chiqdim eldan G‘irko‘kday tulpar,
So‘zimni anglagin senday gajakdor,
Yursam etarmanmi Torkiston shahar?
Bilsang yo‘l boshlagin, gulyuzli dilbar!..

Gulqiz aytdi: — Chambil elidan bo‘lsangiz, Yunus, Misqolning joni-dili, Go‘ro‘g‘lining o‘g‘li bo‘lsangiz, mening tug‘ishgangina ammamning o‘g‘li bo‘lasiz ekan. Ilgari Yunus ammam bu yurtlarga to‘rt kunlab kelib hamma qizlarning ichida meni yaxshi ko‘rib, balki sizga munosib ko‘rib, boshidan ro‘molini olib, meni sizga baxshanda qilib, ro‘molini o‘ratib ketgan edi. Malika bo‘lsa, qochib qutulmas, hozirgisini ko‘ra bering, — deb Avazning qo‘lidan ushlab, yuqori ko‘shkiga yo‘l boshladi.

Avazjonning ostiga zar-zarbob liboslarni tashlab Gulqiz oyim bilan Avazjon bir yerda o‘tirib, hamma qizlar — parilar, bu ikki jononga xizmat qilib, oldilariga dasturxon yozib, Avazning ko‘nglini xushlab, pista, rusta, qand, novvat aralashdi, buning ustiga olib keldi qovurma go‘shtdi, Gulqiz bilan shunday qilib o‘tirishdi.

Bu makonda bular bilan qo‘shni uchta dev bor edi. Kattasini Qizildev der edi. Ko‘yiqof tarafiga ovga chiqib ketgan edi.

Endi bu devlarning keladigan vaqti bo‘ldi. Qor-yomg‘irlar uchqunlab shopiri keldi. Gulqiz oyim o‘rnidan turib, Qizildevning qahr bilan kelayotganini aytib, Avazjon, endi sizni yashirib qo‘yayin, deb sandiqqa solib qo‘ydi. Bir vaqti edi, devlar qahrlanib kirib keldi. Gulqizga qarab Qizildev bir so‘z deb turipti:

Gulqiz oyim, eshit aytgan so‘zimni,
Olmaday so‘ldiray gulday yuzingni,
Xizmatkor qib turding hamma qizingni,
O‘ylab tursam, senga o‘lim lozimdi!
Sayl yetib tog‘larda ovlab yurganman,
Ko‘yiqop ustida turib ko‘rganman.
Ochilar bog‘larda bog‘ning bodomi,
Bu yerga yetishgan odam qadami
Quloq sol, Gulqiz oy, aytgan tilima,
Qanday odam keldi mazgil elima?
Kelgan odamizotni bergil qo‘lima!
Bunday ishlar durust emas sha’ningga!

Bir odam nasliman o‘ynab kulasan,
Devlarning yuzini tuban qilasan,
Kelgan odamzodni bergil qo‘lima
Armon bilan, Gulqiz, endi o‘lasan!

Qizildevga qarab Gulqiz oyim ham bir so‘z dedi:

Olmadayin so‘lgan, gulday tarzim bor,
Badbaxt devlar, senga aytar arzim bor,
Sen tilingni tortib so‘ylagin, devlar,
Chambildan kelgandir Avaz zo‘ravor!..

Avazjonning bahodirlik nomi bor,
Muncha katta lof urmoqlik nadarkor!
O‘lar vaqting yaqin kelgandir, devlar,
Izlab kelgan qaysar Avaz zo‘ravor!

Bu so‘zni devlar eshitib, aqli shoshib, takbiridan adashib: — Avaz kelgan bo‘lsa, bizlarning jonday jiyanimiz kelgan ekan. Bizlarga avvaldan nimaga xabar bermading? Avazjon qayoqda? Ko‘rayik, taniyik, Yunus, Misqol opamizni, Go‘ro‘g‘li yeznamizni so‘rayik, — deb devlar urinib, hovliqib, harnimani bir nima deb, Avazni bundan ilgari ko‘rib yurganday, sog‘inib qolganday bo‘lib Avazni so‘ragan kishi bo‘lib turipti. Shunda Gulqizoy pari Avazjonni sandiqdan chiqardi. Aytdi: — Men muni sizlardan qo‘rqqandan yashirganim yo‘q. Sizlarni bundan qo‘rqib qochib ketadi, deb yashirib qo‘ygan edim.

Avaz sandiqdan chiqib, sipoyi ko‘z bilan haybatli sifat bilan devlarga qaradi. Devlar yugurib borib Avaz bilan ko‘rishib, «Go‘ro‘g‘li yeznamiz, Yunus, Misqol opamiz omonmi? Chambil yurti tinchlikmi? Chambildagi katta-kichik beklar, polvonlar omonmi? Hormay-charchamay, omon-eson keldingizmi?» deb, yalinib-yolborayotir. Avazxon bularning qo‘rqqanini bilib so‘ziga yarasha javob berib o‘tirdi.

Qizil dev so‘radi, — Bu yerga piyoda keldingizmi? Otingiz, jo‘rangiz yo‘qmi?

Avaz aytdi: — Otimiz ham, jo‘ramiz ham bor. Avaz chiqib, borib G‘irotni yechib mindi. Qaradi, Asad myergan, Shodmon myergan ning oti bir tepaning ustida turipti, o‘zlari yo‘q. «Bular qayoqqa ketdiyakan», deb qaradi. Shodmon myerganni bir tulkining inida ko‘rdi: berbo‘g‘oridan yuqorisi inga kirgan ekan, ikki buti zinkiyib turgan ekan. Avazning sho‘xligi kelib, Shodmonning butidan ushlab, asta-asta uzangi tashlab torta boshladi. Shodmon myergan kallasi inning ichida bu so‘zni aytib turgan ekan:

Bekligimda surib qildim minnatim,
Bir tulkini quvib kelib inlatdim,
Oh urganda hasta ko‘nglim xushladim,
Har erda g‘animning sirin foshladim.
Jonvorning quyrug‘idan ushladim,
Oyog‘imdan asta ushla, Avazjon.
Ushlab olsak, ovning oldi bo‘lmasmi?

Ko‘zdan yoshim munchoq-munchoq tizilar,
Diyda giryon bo‘lib, bag‘rim ezilar,
Oyog‘imdan asta tortgin, Avazjon,
Bu tulkiming quyruqlari uzilar.
Mendayin mardlarning ko‘nglin bo‘lmagin.
Ko‘p yashagil, ko‘p yilgacha o‘lmagil,
Oyog‘imdan asta tortgin, Avazjon,
Tulkiming terisin nobud qilmayin.

Avaz G‘irotga qamchi chotdi, Shodmon myerganni indan sug‘urib oldi. «Qani inlatgan tulking?» deb turipti. Shodmon myergan aytdi: — Men inlatgan tulki, bir tulki edi. Quyrug‘i uzilmasin, terisi buzilmasin deb avaylab turib edim, iksdan tortib yubording, quyrug‘i qo‘limdan chiqib ketdi. Inning to‘ri uzoq ekan, iniga qarab urib ketdi, — deb uyalmay-suyalmay bu so‘zni Avazjonga aytib turipti. Avaz kulimsib turipti. Bu ikkovini ko‘rib Asad myergan ham keldi.

Avazjon: — Sen qayoqda eding? — dedi. Asad aytdi: — Shodmon myergan tulki inlatib yurib edi, tulkisi chap berib ketmasin, deb tulkisining oldini olib yurib edim.

Bularning bu ishini ko‘rib: — Yo‘q tulkini inlatib yurgan botirlar, — deb Avaz kulib aytdi, — Unday bo‘lsa, quruq ovchilik qilmanglar. Mana bu ko‘ringan ko‘shk Gulqiz parining makoni ekan. Bu makonda bir necha devlar bor ekan. Borib ko‘rib, ovlab olib, ular bilan suhbat qilmoq kerak.

Unda myerganlar qo‘rqib, qo‘rqsa ham boshqayoqqa ketmakning ilojini topolmay: — Endigi ixtiyor sizda yo‘l boshlang, siz bilan birga boramiz, — dedi.

Myerganlar Avazjon bilan birga-birga Gulqizning joyiga bordilar. Devlar yo‘lga qarab turib edi. Bularning kelganini ko‘rib yugurib chiqib otning jilovini ushlab, ko‘nglini xushlab, manzil joyiga yo‘l boshlab, ichkariga olib kirib ostiga yaxshi to‘shaklardan tashlab, bularning vaqtini xushlab turdi. Devlar ziyofatga qo‘yni so‘ydi. Pishirib go‘shtini olib kelib qo‘ydi, yugurib qildi xizmatni.

Bular Gulqizning makonida yotdi. Erta bilan tong otdi. «Haydab ketmasa», deb devlar ham juda qilpillab turipti. Kun choshga haddiga yetdi. Shunda devlar Avazga qarab: — O‘ jiyanim! «Yo‘l bo‘lsin, gapning o‘roli bo‘ladi, sizlarga yo‘l bo‘lsin? — dedi.

Shunda Avaz: — Oloy bo‘lsin, yo‘l bo‘lsa sizlardan bo‘lsin, — dedi. — Torkiston shahriga, Malika pariga borayotirmiz. Bizlarni otam — Go‘ro‘g‘li sizlarga buyirib edi. «Dev tog‘alaring bor, shu dev tog‘alaringning uyiga borsang, tog‘alaring birga borib, senga yo‘l ko‘rsatib Malikani topib beradi» — deb edi. Shuning uchun bizlar sizlarning uylaringizga kelib edik.

Qizildev aytdi. — O‘ jiyanim! Bizlar kun botish bilan kun chiqarni, yer yuzini qolmay uchamiz, «Torkiston degan shahar bor, Malika degan pari bor» deb yangitta sizning og‘zingizdan eshitdik. Manzili shu yerdan 70 yillik yo‘l keladi, bir Boymoqdev degan tog‘angiz bor, shu bilmasa, bizlar bilmadik.

Bu so‘zni Avazxon eshitib, indamay qoldi. Unda Qizildev aytdi; — Jiyanim nimaga indamay qoldingiz? Boymoqdev deganga nomi pastroq uchradimi? Boymoqdev tog‘angizning davlati katta: 70 ming ko‘k qashqa devdan jilovdori bor. Uni uncha-muncha devlar qatori deb ko‘nglingizga kelmasin.

Avaz aytdi: — Unday bo‘lsa, sizlar bizga xizmat qilsalaringiz.

Qizildev: — Xo‘b, Go‘ro‘g‘li yeznamizning hurmati — dev tog‘alaringizning xizmati, — deb, — bir tilsimot bilan uchchovini uch olma qilib olmalarni yoqasiga solib, otlarini to‘rg‘ay qilib, qo‘yniga solib osmonga ko‘tarilib, yetti kecha-yetti kunduz osmonda uchib, quyilib borib bir yerga tushdi. Tilsimot bilan olmalarni odam qildi, to‘rg‘aylarni ot qildi.

Avaz aytdi: — Ey tog‘a! Sizning yeringizdan qancha yerga keldik? Dev aytdi: — Bizlar kecha-kunduz uchib kelayotirmiz. Bizning yurishimizga 14 kunlik yerga keldik, sizning bu otlaringizning yurishiga o‘n to‘rt yillik yo‘lga keldik. Avaz aytdi: — Bu yo‘lni yetmish yillik yo‘l deb edingiz buyog‘iga nimaga ko‘tarib uchib yetkizmadingiz?

Dev aytdi: — Bundan buyog‘i Boymoqdev tog‘alaringizning chegarasi. Bundan buyog‘iga sizday zo‘ravonlar yo‘l yurib o‘tmasa, bizlar bir qadam bosib o‘tolmaymiz. Agar o‘tsak, Boymoqdevning ov ovlab yurgan devlaridan birontasi ko‘rib qolsa, qo‘limizni bog‘lab, siynamizni dog‘lab, bandi qilib, haydab olib kyetib qoladi.

Dev bu so‘zlarni Avazxonga aytib, Avazxon bilan xo‘shlashib, omonlashib, orqasiga qarab qaytdi. Avazxon, Shodmon, Asad — uchchovlari birga yo‘l tortib, bu so‘zlarni aytib yo‘lda kyetib borayotir:

... Jafo tig‘i jondan o‘tib,
Ayriliq bag‘rimni yirtib,
Kecha-kunduz shabgir tortib,
Malika, deb qonlar yutib,
Gul yuzim so‘ldi, naylayin.

Bu so‘zlarni Avazxon aytib, Qizilqum degan yerga yetib bordi. Shunday qarasa, qipqizil Qizilqum undan boshqa hech nima yo‘q, ko‘kargan giyoh ham yo‘q, lekin qumning chekkasida bir chinor zin qiyib turipti. Chinorning yon-yog‘ini qo‘rg‘on qilib, devor qilib qo‘yipti. Avaz otini myerganlarga berib: Sizlar shu yerda turinglar, bu chinor qanday chinor ekan, bu qo‘rg‘on qanday qo‘rg‘on ekan, men borib, ko‘rib kelayin, — deb shu chinorga, qalayi qo‘rg‘onga qarab jo‘nab ketdi. Borib darvozasini ochib ichkariga kirdi. Ko‘rsa, chinorning osti sarhovuz. Chinorning shoxlari haryoqqa shoxlab ketgan, shoxlarida to‘ti, mayna bulbullar bola ochib sayrab yotgan. Ovozasi olamga ketgan, ajab chinor ekan. Avaz qarab turib edi, darvozadan bir Qalandar ichkariga qarab kela berdi. Qalandarning haybatini, jasadini ko‘rib, Avaz o‘zini chinorning ustiga oldi. Qalandar kelib chinorning ostiga kelib qo‘ndi. Bangni urib, kayfini surib, telpagining tarkidan bir olmani chiqarib, jag‘iga bir urib parizod qilib, buning bilan o‘yin-kulgi qilib o‘tirdi; parining tizzasiga boshini qo‘yib uxlab qoldi. U parizod qalandarning boshini yerga olib qo‘ydi. O‘zining yoqasidan bir juvoldizni olib, uni bir shappati urib barzangi qilib, bu bilan o‘ynab-kulib o‘tira berdi. Qalandarning uyg‘onadigan fursati yaqin bo‘ldi. Barzangining jag‘iga bir urib, qadimgiday juvoldiz qilib, yoqasiga tuyrab qo‘yib, qalandarning boshini tizzasiga qo‘yib o‘tira berdi. Qalandar uyqudan turib, parizodning jag‘iga bir urib olma qilib, telpagining tarkiga solib, qadi-mudbaq so‘talarini olib yo‘lga kirib jo‘nay berdi. Avaz shoshib-pishib chinordan tushib, Qalandarga tovush qilib chaqirib, bu so‘zni aytib Qalandarga yetib olmoqchi bo‘lib borayotir:

G‘am bilan sarg‘aydi guldayin diydor,
Telpaging qaqqaymay o‘lgur, Qalandar,
Yoring desam, o‘ynashi ham bor ekan,
Yoringning o‘ynashi sendan zo‘ravor.

Armon bilan bilmaganing bildirar
Xanjar chekib, qora bag‘ring tildirar
Ikkovi biriksa, seni o‘ldirar,
Sening gulday yuzing bir kun so‘ldirar.

Avaz Qalandarga yetib oldi. Bovo, parcha-purcha noningiz bormi, deb so‘radi.

Qalandar ko‘lbarini qarab, qattiq kulcha bor ekan, chiqarib Avazxonga berdi. Avaz kulchani to‘rt sindirim qilib: — Oling Bova, — dedi. Qalandar birovini oldi, Avaz birovini oldi, ikki sindirimi odamsiz qoldi. — Bu ikki sindirimning egasini toping! — dedi.

Qalandar aytdi: — O‘zing ko‘rgan yolg‘iz qalandarman, menda qanday odam bor?!

Avaz qalandarga siyosat qildi. — O‘ldiraman, — dedi. Avazdan qo‘rqib, yoqasidan olmani olib bir urdi, parizod bo‘ldi. Bir sindirimini bu oldi. So‘ngra pariga Avazjon jo‘rangni top! — dedi. Pari ulay, bulay dedi. Bunga ham do‘qlab, siyosat qildi. Avazdan qo‘rqib, yoqasidan bir juvoldizni chiqardi. Chakkasiga bir urdi, bir barzangi paydo bo‘ldi. Kulchaning bir sindirimini bu oldi, to‘rt sindirimi ham egali bo‘ldi.

Chinorning boshida, pari bilan barzangining xiyonatini ko‘rgan Avaz qalandarga so‘zlab berdi. Qalandar: «Sening yoringman» deganiga ishonib, yorim deb aldanib, o‘ynashi bilan ikkisini ko‘tarib yurgan ekanman; bu hiylakor vafosizning yashaganidan o‘lgani yaxshi deb Avazxonning qilichini olib, barzangi bilan xotinni chopib tashladi.

Avazxon qalandardan so‘radi: — Bobo, bu xotinni qaerdan olib edingiz?

Qalandar aytdi: — Men ilgari Gulshan bog‘idan tilanib, gadoylik qilib kelayotib edim. Gulshan bog‘ining ichida, shisha hovuzda hamma parilar cho‘milib yotgan ekan. Badanlari qorday, bari birday. Muni shu yerda bir gulbutaning tagiga o‘tkazib qo‘ygan ekan. Tilsimot bilan muni olma qilib, telpagimning tarkiga solib, parilardan qochib qutulib edim. Mening qo‘limga tushganiga o‘n sakkiz yil bo‘ldi. Shundan beri devlardan yashirib, muni hech jonzodga ko‘rsatmay yurgan edim. O‘g‘lim, men ahmoq bo‘lib, pari deb ikki dushmanni zilday qilib ko‘tarib yurgan ekanman.

Bu so‘zni qalandar Avazga aytib turib edi, yana bir qalandar darvozaning eshigidan kirib kela berdi. Avazjon bu qalandarning qaddi-qomatini shunday qarasa, boshdan-oyog‘i birday haybatli qalandar. Boshida kuloh, qo‘lida so‘ta.

Bu qalandar chinorga yaqinlab kelib, so‘ta bilan chinorni bir urdi. Chinordan bir eshik ochildi. Avazxon qarasa, chinorning ichida darchama-darcha uch ko‘shk bor ekan, ko‘shklarni ko‘rib, qalandar aytdi: — Obbo shallaqi, bu yerda ham yo‘q ekan.

Avaz aytdi: — Bobo, siz kimni izlab yurib edingiz, kimni tayinlab qo‘yib edingiz bu yerga, nima ishda yuribiz, kimni axtarasiz?

Shunda bu qalandar Avazga qarab, yurgan yurishini, bayon berib bir so‘z deb turipti:

So‘zimga quloq sol, turgan yosh o‘g‘lon,
Meni so‘rsang Chin—Mochindan kelaman.
Senga qurbon menday bovangning joni,
Chin—Mochinda bilsang, bovang makoni,
Qalandar deb bolam g‘ofil bo‘lmagin,
Aslimni so‘rasang, Chin—Mochin xoni.

Yor ishqida, bolam, bo‘ldim qalandar,
Va’da berib ketdi gul yuzli dilbar,
Otini so‘radim — Malika Ayyor,
Shu chinorni va’da byergan gajakdor.

Torkistonda degan yerdi shahrini,
Ko‘p yerni axtardim — dunyo borini
Hech bir yerdan topolmadim parini,
Ko‘p halak ayladi xaridorini.

Soqolim oqarib yoshim qaytganda,
Yor xanjari o‘rtab ketdi bag‘rimni,
Tishim tushib, oyog‘ go‘rga yetganda,
Axtaraman Malikaday parimni.

Sen eshitgin menday bovang so‘zini,
Kuchuk bosmas yo‘lbars, sherning izini,
Izlab chiqdim Qosimshohning qizini,
Elning Malikaday sarvinozini.

Chin-Mochin shahrida qoldi kirdikor,
Ko‘p halak ayladi gulyuzli dilbar.
Izlaganim Malikaday suyar yor,
Ul sababdan, bolam, bo‘ldim qalandar.

Quloq sol, eshitgin ayg‘on nolaga,
Shoqalandar deydi meni, sadag‘a,
Devni ko‘rsam qamsab boshin olaman,
Dev bitganning kushandasi bo‘laman.
Nasib qilsa, Malikani olaman...

Bu so‘zlarni aytdi bovang qalandar,
Na joylardan kelding davlatli shunqor?
Men qalandar Malikaga xaridor,
Bu yerlarda, bolam, nima ishing bor?

Bu so‘zni eshitib, Avaz ham boshidan o‘tgan ishlarni bir-bir bayon aytib, qalandarga bir so‘z deb turgani:

Olmos po‘lat belda, egnimda qalqon,
Go‘ro‘g‘li o‘g‘liman otim Avazjon.
Siru holing, bova, bayon aylading,
Men ham, bova, senday yurgan, sargardon.

G‘irko‘k otni bir kun otam minipti,
Shakarko‘lga bir kun ovga boripti.
Ovda yurib parizodni ko‘ripti,
Siru holin otam shunda so‘ripti.

Torkiston deb anga xabar beripti.
Malika ekanin aniq bilipti,
Pari bilan necha va’da qilipti,
Ul sababdan shunga ko‘ngil beripti...

Yana bahor bo‘lsa ochilar gullar,
Gulni ko‘rsa mast bo‘b sayrar bulbullar.
Minib chiqdim G‘irko‘kdayin tulparni,
Borar bo‘lsang, men ham hamroh, qalandar!

Ana shunda ilgarigi qalandar bu so‘zni eshitib, Avazjonga qarab, u ham bir so‘z dedi:

Ko‘zdan yoshim munchoq-munchoq tizildi,
Diyda giryon, bo‘lib, bag‘rim ezildi,
Malikani aytding ko‘nglim buzuldi,
Borar bo‘lsang, men ham hamroh, Avazjon!

Meni so‘rsang Rum elidan kelaman,
Jafo tortib Torkistonga boraman,
Bir qiz uchun jafo tortib yuraman,
Borar bo‘lsang, men ham hamroh, Avazjon!..

Rum elidan Hasanzargar bo‘laman,
Yor ishqida qalandar bo‘p yuraman,
Bu yo‘llarda sarson bo‘lib kelaman,
Borar bo‘lsang, men ham yo‘ldosh, Avazjon.

Sen eshitgin Shozargarning so‘zini,
Olarmanmi oqdev shohning qizini,
Tillaqizday gajakdorning o‘zini?
Borar bo‘lsang, men ham yo‘ldosh, Avazjon!..

Shunda Avazxon qalandardan bu so‘zni eshitib, «Muning birovi Rum mamlakatida zargar ekan, birovi Chin-Mochin elining podshosi ekan» — deb o‘yladi va ularga qarab aytdi: — Bir yor uchun yo‘llarda ko‘p sarson bo‘lib, shuncha podshohlik shavkatidan, arqon davlatdan kechib, yayov munday qalandar bo‘lib yurmoq nedarkor? Bu yo‘l uzoq bo‘lsa, suvsiz Qizilqum bo‘lsa, bu qumni besh-o‘n kunda bosib o‘tib bo‘lmaydi. Bu Qizilqumda piyoda yurib, suvsizlikdan suvsab, ochqab ovora bo‘lib, ikkovingiz ham o‘lasiz. Siz podsholigingizni, siz zargarligingizni qilsangiz bo‘lmasmidi? O‘zlaringizni muncha abgor qilib, bu cho‘lda ko‘p sarson bo‘lasizlar, — dedi.

Shoqalandar aytdi: — Bizga ta’na qilma! Yo‘lda ko‘ramiz, birga-birga boramiz, bizlarning kim ekanimizni sen ko‘rasan, sening ahvolingni biz ko‘ramiz, yo‘l uzoq bo‘lsa ham poygasi yovuq. Mana bu Qizilqumni omon bo‘lsak borib ko‘ramiz, — deb ikki qalandar, Avaz uchchovi chinorning oldida ko‘p so‘zlarni gaplashib, maslahatni bir yerga qo‘yib, Shoqalandar: — Ey bolam, gapdan nima chiqadi, yo‘l yurmoq a’loroq. Endi yo‘l yurayik, — dedi.

Avaz aytdi: — Unday bo‘lsa, e bovalarim, mening yana ikkita jo‘ra-yo‘ldoshim bor edi, u jo‘ralarimni aytib kelayin, undan so‘ng birga-birga jam bo‘lishib yo‘l yuramiz.

— Borib aytib kel, unday bo‘lsa, darrov kel, — dedi bovalar.

Avazxon, myerganlarning oldiga borib, otini minib, ikkovini yergashtirib sarhovuz oldiga olib kelib, bovalarini ko‘rsatdi. Myerganlar qalandarlar bilan so‘rashib o‘ltirdilar. Maslahatni bir yerga qo‘yib. Avazxon, Shodmon myergan, Asad myergan otlanib, ikki qalandar yayov, Qizilqumga tushib jo‘nay berdilar.

Azamatlar olmas boylar dastiga,
G‘anim tushar kamdavlatning qastiga,
Qumni yuzib irg‘ib edi bedovlar,
Anga hamroh bo‘ldi ikki qalandar.

Uzoq yo‘ldir Qizilqumning orasi,
Qumda qichar Go‘ro‘g‘lining bolasi.
Mast bo‘lgandir Chin-Mochinning to‘rasi.

Mast bo‘lib so‘tasin otdi qalandar,
Qizilqumni to‘zan tutdi muqarrar,
Qistasa ham yetolmaydi bedovlar.
So‘ta otib yo‘l tortadi qalandar.
Qalandarlar otdan o‘zib boradi,
Bedovlar qumlarni yuzib boradi,
Kunba-kun badani qizib boradi.
Avaz o‘g‘lon ko‘nglin buzib boradi.

Qumlarda horidi minganda tulpar
Avazjonning bahodirlik nomi bor.
Qamchi urdi Avazjonday zo‘ravor,
Yashin tashlab irg‘ir edi bedovlar,
Mast bo‘lib boradi ikki qalandar,
Qistasa ham yetolmaydi bedovlar.

Chu! dedi G‘irotga qamchini chotdi,
Tillari tanglayga bordi-da, qotdi,
Suvsizlikdan osha jabrlar o‘tdi,
Qizilqumda qalandarlar yo‘l tortdi.

Tashna bo‘lib qumda bedovlar yotdi,
Myerganlar ham Avazjonni yig‘latdi.
Shoqalandar ko‘z uzmaydi Avazdan,
Qalandarga Avaz qarab so‘z qotdi,
Armon bilan o‘ldik, gaming e, dedi,
G‘arib bo‘ldik, bobo, beri kel, dedi
G‘ariblikda mendan xabar ol, dedi.

Hechkimsaga kelmay qoldi holatim,
Tashna bo‘lib yiqilgandir G‘irotim,
Myerganlarda so‘zlamakka holat yo‘q,
Qumda qolar o‘xshar mening jasadim...

Asad, Shodmon, Avaz o‘g‘lon yig‘ladi,
Qalandar burulib shunday qaradi,
Bu so‘zni aytib Shoqalandar keladi:

Zargar sizman birga-birga bo‘layik,
O‘g‘lonlarning borib holin so‘rayik,
Qumda g‘arib bo‘ldi Chambilning mardi,
Tashna bo‘lib yiqilipti G‘iroti,
Harna xizmat bo‘lsa borib qilayik.

Bu so‘zni o‘ylab Shoqalandar keladi,
Kelib, Avazjonning holin so‘radi:

— Sensan mening Avaz qo‘zim,
Sarg‘aygandir gulday yuzing,
Sen ham ayrilmagin mendan.
Men ham ayrilmayin sendan!..

Shunda Shoqalandar bu so‘zlarni aytib, Avazjon, Asad, Shodmon myerganlarning oldiga kelib, bir tilsimot qilib, Shoqalandar bu uch polvonlarni olma qilib, telpagining tarkiga soldi, Shozargar bu ham bir tilsimot bilan uch bedov otni to‘rg‘ay qilib, qadi-mudbohiga qamab oldi.

Qalandarlar bularni ko‘tarib, xizmat qilib, qumda necha muddat yo‘l yurib, bir qumning ustiga tushib, «Endi bir kayf qilib dam olishib, undan so‘ng yo‘lga tushib jo‘naymiz», deb biroz o‘tirib, dumog‘i chog‘ bo‘lib aytdi: — Endi mazgil yaqin qoldi. Bular ham damini olgandir. Endi bularni asliga keltirmoq lozim. Bular bilan hangomalashib, gaplashib ketayik.

Bir tilsimot qilib Avaz bilan myerganlarni, otlarini aslidagi husniga keltirdi. Shoqalandar aytdi:

— Ey Avazjon, endi yo‘l yaqin qoldi, hangomalashib borayik, deb seni avvaldagi husningga keltirdik. Endi birga-birga yo‘l yurayik.

Avazxon myerganlar bilan uchchovi otlanib, bedovlarni minib oldi. Qalandarlar yayov yo‘l boshlab, beshovlari otlima-yayov bo‘lib Qizilqumda yo‘l yurib boraverdi.

Eshitingiz Avaz o‘g‘lon so‘zini,
Qumlarda qichaydi asbi tozini,
Izlab chiqqan Qosimshohning qizini
Malikaday uning sarvinozini.
Yarg‘oq bo‘ldi otlarining siyog‘i,
Tos tepada qoldi ikki qulog‘i,
Yigirma uch kecha-kunduz yugurib,
Korsonidan ivib tushdi tuyog‘i.

Yigirma besh kecha-kunduz o‘tganda
Qorayib ko‘rindi Ko‘klamning tog‘i,
Yetmish yillik yo‘ldir boshdan-oyog‘i.
Horib borayotir bedov tulpari,
Oh tortib qaraydi Chambil beklari,
Yarqillab ko‘rinar devlar shahari.
Har chashma bo‘yida besh yuz chinori
Shunda bu ko‘rindi tog‘ning qorasi,
Buning bordir uch yuz oltmish darasi
Ko‘p bo‘ladi Oqdev shohning hiylasi.

Har daradan to‘qqiz chashma oqqandir,
Har chashmaga botmon zahar qotgandir.
Tashna bo‘lib zahar suvga yetgandir,
Mavj urgan daryoni bular ko‘rgandir.

Tashna edik — dedi shunda yigitlar,
Vaqti hush bo‘b shodu hurram bo‘ladi.
Ichmakka Avazxon ko‘ngil qiladi.
Shoqalandar endi bundan xabardor,
Dedi: — Mundan totgan tayin o‘ladi!
Icharman deb Avaz ko‘ngil qilmagin.
G‘arib bo‘lib bu yerlarda qolmagin,

Xalq og‘zaki ijodidan

Daryo deb bularga mag‘rur bo‘lmagin!
Bu yerlarda bordir jodugar devlar
Bu ishlardan Avaz o‘g‘lon bexabar,
Totgan jonzod omon qolmas muqarrar,
Bu suvlarga zahar qo‘shgandir devlar.

Shunda Avazjon, myerganlar Shoqalandardan bu so‘zni eshitib, suvga zahar qo‘shganini bilib, hafa bo‘ldilar.

Tashnalikdan tillari tanglayda qotdi. Suvsizlikdan ilojini topolmay, qanday qilarini bilmay, uchchalasi ko‘kragini nam yerga berib yotdi. Bedov otlar ham suvsizlikdan ko‘p horib-charchab, tili og‘zidan bir qarich cho‘zilib, yurarga holati qolmay, bular ham tappa tushib yotdi. Bu erni Ko‘klam tog‘ der edi. Shunda jo‘ralarini Ko‘klamtog‘da suvsab, charchab qolganini Shoqalandar ko‘rib, bularning holiga rahmi kelib, so‘tasini yerga urdi. So‘tasining ostidan bir chashma-buloq paydo bo‘lib, yigitlar, qalandarlar, bedovlar ichib hammasi suvga to‘yib dumog‘i chog‘ bo‘lishib, maslahat qilib o‘tirganda Shoqalandar aytdi; — Ey Avaz o‘g‘lon-bolam, endigi maslahat shul: Torkiston shahar bir bo‘lsa shu tog‘ning ostida, yo ustida bo‘lar. Sizlar endi shu erda o‘tiringlar, men borib bu tog‘ning uyoq-buyog‘ini ko‘rib, mo‘ljallab kelayin. Agar Torkiston shaharidan darak topsam, kelib sizlarga xabar berayin, — deb o‘rnidan turib ketdi. Avazjon, Shozargar, myerganlar bu chashmaning oldida qoldi.

Shoqalandar borayotib edi, oldidan bir oyoq-bir tovon yo‘l chiqdi. Bu yo‘l bilan bora berdi. Qaradi, yo‘li pastga tushdi; tushib keta berdi. Qirq zinapoya pastga tushib ketdi, bir katta shaharday yerga bordi. Jonzod yo‘q; odamzodning suyagi tog‘-tog‘, tom-tom bo‘lib uyulib yotibdi. Qalandar bu suyaklarni oralab, hayron bo‘lib yurib edi, falakdan bir shobir paydo bo‘ldi. Shunday havoga qarasa, osmondan bir dev uchib quyulib kelayotir, yetmish ming ko‘kqashqa devdan jilovdori bor, yonida bir bola ham bor. Bu devning siyosatini, haybatini Qalandar ko‘rib, o‘zini yashirishga pana yer topmay qoldi. Shunda uyuvli turgan suyaklardan ovoz chiqib, qalandarga qarab bir so‘z deb turipti:

Elimizda yo‘lning g‘amin yeb edik,
Malikani biz olarmiz deb edik,
To‘qson to‘rt lashkar bila keb edik,
Shu devning changiga bo‘ldik giriftor.

Hechkim bo‘lmas ushbu devga barobar,
Yetmishbesh shaharning bunda qoni bor,
Malika deb o‘ldi necha go‘zallar,
Hechkim bo‘lolmadi devga barobar!

Sen ham bo‘bsan Malikaga xaridor,
Odamzodga bu odamzod joy berar!
Suyakning ostiga kirgin, qalandar,
Shunday ko‘rsa armon bilan o‘ldirar!..

Ana shunda qalandar, uyulib yotgan suyaklarning bu so‘zini eshitib, o‘zi qaysi yerga borarini bilmay, nima qilarini o‘ylab turar edi, «Bu yaxshi bo‘ldi», deb xirmon bo‘lib turgan suyakning oldiga borib, suyakka qarab zarb qildi: «Yoril!» dedi. Suyaklar o‘

Pedagogik o'qishlarda muhokamaga qo'yiladigan mavzularda uning ilmiy ahamiyati, ilmiy asoslanganligi, aniqligi, ilmiy muammolar borligi, hozirgi kunda dolzarbligi aks ettirilishi lozim.

УЗЛУКСИЗ МАЛАКА ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори республикамизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагогларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб берди.

Қарорда педагог ва муҳандис-педагог ходимлар ҳар уч йилда бир марта малака ошириши белгиланган. Ҳозирги даврдаги ахборот кўламининг кенглиги ва тезкорлиги ўқитувчи ва муҳандис-педагоглардан ҳар куни, ҳар соатда ўз малакасини оширишни талаб этиши билан бирга, узлуксиз таълимнинг таркибий қисми бўлган кадрлар малакасини оширишнинг узлуксизлигини таъминлашни ҳам тақозо этади. Бошқача айтганда, ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар, раҳбар ходимлар ўз малакаларини узлуксиз равишда ошириб бориши уларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгиланишини таъминлайди. Бу қарорда ЎМКҲТ тизимида 2002-2003 йилларда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илмий-педагогик асосларини яратиш вазифаси қўйилган. Кадрлар малакасини оширишнинг энг қулай усулларидан бири — бу узлуксиз малака ошириш тизимидир. Узлуксиз равишда малака оширишни шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

— таълим муассасасида малака ошириш;

— вилоят миқёсида малака ошириш;

— республика миқёсида малака ошириш.

Узлуксиз малака ошириш курслари машғулотларини уюштириш жараёнида видео, аудио, компьютер, мультимедиа каби техник воситалардан фойдаланиш; ҳар бир раҳбар ходим, ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг компьютерда мустақил ишлай олишига эришиш; замонавий компьютер тармоқлари, Интернет тизимидан фойдаланиш; янги илғор педагогик ва ахборот технологияларининг ўқув жараёнида қўлланилишига эришиш; узлуксиз малака ошириш жараёнида энг илғор технологияларга эга бўлган қўшма корхоналарда амалиёт ўтилишини ташкил этиш; олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимлари, ишлаб чиқариш корхоналари, раҳбар ходимлари ва етакчи мутахассислари билан учрашувлар ўтказиш; малака ошириш таълими жараёнига хорижий мамлакатларнинг мутахассисларини, шунингдек, чет давлатга тажриба алмашиш ва малака оширишга бориб келган ўқитувчи, муҳандис-педагогларни жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурдир.

Ушбу мақолада Самарқанд вилоят ҳокимлиги ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбар ходимлари, ўқитувчи ва муҳандис-педагоглари учун ишлаб чиқилган узлуксиз малака ошириш механизми ўз ифодасини топган.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА

Кафедра ойликлари ва фан ҳафталиклари. Ҳар бир таълим муассасасида ўқув йилининг белгиланган ойларида кафедралар иш режаси асосида тадбирлар уюштирилади. Кафедра ойлиги ҳамда фан ҳафталикларида очиқ ва намунавий дарслар, тарбиявий соатлар, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, кўрик-танловлар, шунингдек, таълим-тарбияга доир турли тадбирлар ўтказилиши мумкин.

Бунда кафедра ишлари ва ижодкор ўқитувчиларнинг тажрибалари оммалаштирилади.

Таълим муассасалари раҳбар ходимлар ҳафталиги. Таълим муассасалари раҳбар ходимлари ҳафталигининг мақсади — ҳар бир таълим муассасасининг директори, директор ўринбосарлари очиқ дарслар, намунавий дарслар ва тарбиявий соатлар ўтказиб, ўз педагогик маҳоратларини педагогик жамоа ва ЎМКҲТ бошқармаси вакиллари олдида намойиш этишади.

Таълим муассасаларида ўтказиладиган ҳафталик машғулотлар. Ўқитувчи ва муҳандис-педагогларни фан ва техника янгиликларидан, илғор педагогик ва ахборот технологияларидан мунтазам хабардор этиб бориш ҳамда илмий-услубий тайёргарлигини ошириш мақсадида таълим муассасаларида ҳафтанинг ҳар бир куни қуйидаги тартибда тақсимланади: душанба — педагогик ва психологик тайёргарлик; сешанба — касбий тайёргарлик; чоршанба — компьютер саводхонлиги; пайшанба — лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини ўрганиш; жума — маънавий-маърифий тайёргарлик; шанба — ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши шулар жумласидандир. Ташкил этилаётган машғулотлар ЎМКҲТ бошқармаси томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастури асосида олиб борилади.

Педагогик-психологик тайёргарлик кунлари таълим муассасаларида педагогик ўқишлар уюштирилади.

Вилоят ЎМКҲТ муассасаларида педагогик ўқишлар ташкил этишнинг асосий мақсади — таълим жараёнини замон талаби даражасида ташкиллаштириш, таълим мазмунини бойитиш, ўқув-тарбия жараёнининг илғор, ноанъанавий шакл ва услубларини амалда татбиқ этишдан иборат.

Педагогик ўқишларда муҳокамага қўйиладиган мавзуларни танлашда дарсларнинг барча турларида самарадорликка эришишга, дарсдан ташқари тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти ва таъсирчанлигига боғлиқ бўлган муаммолар ва унинг ечимини кўрсатадиган аниқ тавсиялар бўлишига эътибор қаратилиши лозим. Педагогик ўқишларда муҳокамага қўйиладиган мавзуларда унинг илмий аҳамияти, илмий асосланганлиги, аниқлиги, илмий муаммолар борлиги, ҳозирги кунда долзарблиги акс эттирилиши лозим.

Педагогик ўқишларга қўйиладиган мавзулар қуйидаги йўналишлар доирасида бўлиши тавсия этилади:

— амалий дарсларда замонавий компьютер техникаларидан фойдаланиш;

— муаммоли ўқитиш ва ҳозирги таълим-тарбия жараёнида унинг ўрни;

— янги мавзуни ўзлаштиришда техник воситалардан фойдаланиш;

— ўқувчилар билимини синаш усуллари:

— ўқувчилар касбий маҳоратини шакллантиришда фанлараро муносабатларнинг ўрни;

— ўқувчининг мустақил ишлашини ташкил этиш;

— ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёнини жадаллаштириш йўллари;

— дарс жараёнида кўргазмали ва дидактик материаллардан фойдаланиш;

— синфдан ташқари ишларда ўқувчининг юксак шахсий фазилатларини шакллантириш ва ҳ.к.

Устоз-шогирд мактаби. ЎМКҲТ муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёш ва бошловчи мутахассисларга таълим ва тарбиянинг замонавий шакл ҳамда услубларини ўргатиш, психологик ва педагогик билимларни ўзлаштириш, ёш ўқитувчи ва педагог-муҳандисларнинг маънавий-маърифий ва касб маҳорати малакаларини оширишига ёрдам бериш — устоз-шогирд мактабининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши. Ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши учун намуна тарзида қуйидагилар тавсия этилади: маъруза матни ёзиш, услубий қўлланмалар тайёрлаш, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратиш, имтиҳон ва тест саволлари тузиш, кўргазмали қуроллар ясаш, дидактик материаллар тайёрлаш, илмий, ўқув-услубий, маънавий-маърифий мақолалар ёзиш, Интернетдан ахборотлар олиш, вақтли матбуот ахборотларидан хабардор бўлиш.

ВИЛОЯТ МИҚЁСИДА

Вилоят миқёсида малака ошириш ЎМКҲТ бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган режа асосида қуйидаги кенгашларда олиб борилади:

Директорлар кенгаши. Директорлар кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази томонидан ишлаб чиқилган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари Низоми" ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлиги ЎМКҲТ бошқармасининг Низоми асосида фаолият кўрсатади.

Директорлар кенгашининг ҳайъат мажлиси вилоят ҳудудидаги ЎМКҲТ муассасаларининг энг юқори коллегиал органи ҳисобланади.

Директорлар кенгаши ҳайъат мажлисининг таркиби ЎМКҲТ муассасалари директорларининг умумий йиғилишида тузилади ва вилоят ҳокимлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Директорлар кенгаши ҳайъат мажлисининг қарори вилоятда фаолият кўрсатаётган барча ЎМКҲТ муассасалари, академик лицейлар ва лицей-интернатлар учун бажарилиши мажбурийдир.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари консорциуми. Бошқарма тасарруфидаги таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари консорциумларга бўлинади.

Бошқарма тасарруфидаги ЎМКҲТ муассасалари директорларининг услубий иш тажрибаларини ўрганиш, таҳлил этиш ва ижобийларини оммалаштириш, таълим муассасалари директорларига илмий, педагогик ва услубий ёрдам кўрсатиш, ЎМКҲТ бошқарув тизимини такомиллаштириш, "Энг яхши таълим муассасаси" кўрик-танловини ташкиллаштириш ва ўтказиш, директорларнинг бошқарув маҳоратини оширишга қаратилган семинарлар уюштириш, таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнини бошқаришга қаратилган методик кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва миллий ҳунармандчилик, педагогика, иқтисодиёт, тиббиёт ва маиший хизмат йўналишлари бўйича консорциумлар ташкил этилади.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар директор ўринбосарлари услубий кенгаши.

Вилоят ЎМКҲТ муассасаларида ўқув жараёнини давлат таълим стандарти талаблари даражасида ташкил этиш, таълим мазмунини такомиллаштириш ва сифатини ошириш, илғор педагогик технологиялар асосида ўқув-тарбиявий жараённинг турли илғор шакл-услубларини татбиқ этиш, таълим муассасаларининг ўқув, услубий, касбий таълим, маънавий-маърифий ишларини режалаштириш ҳамда бошқариш фаолиятига доир масалаларни коллегиал асосда таҳлил қилиш ва ижобийларини таълим жараёнига татбиқ этиш мақсадида бошқарма қошида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар директор ўринбосарлари услубий кенгаши ташкил этилади.

Умумтаълим фанлар услубий кенгаши. Умумтаълим фанлар услубий кенгашининг асосий мақсади — академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда ташаббускорлиги ва ижодкорлигини ошириш ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлашдан иборат.

Махсус фанлар услубий кенгаши. Вилоят ЎМКҲТ муассасаларида таълим жараёнини замон талаби даражасида ташкиллаштириш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш, ўқув-тарбиявий жараёнининг турли илғор шакл-услубларини татбиқ этиш, махсус фанлар тараққиётининг асосий йўналишларини режалаштириш, фан ривожига доир масалаларни илмий асосда таҳлил қилиш ва ижобийларини татбиқ этиш мақсадида бошқарма қошида йўналишлар бўйича махсус фанлар услубий кенгаши ташкил этилади.

Психология услубий кенгаши. Жамиятнинг шахсий, интеллектуал (ақлий), касбий имкониятларини ривожлантиришни таъминлайдиган психологик хизмат ЎМКҲТ тизимида зарур йўналишлардан бири ҳисобланади. Хизматнинг асосий мақсади — ривож топаётган авлодни шакллантиришга кўмаклашиш, ўқувчиларда ҳаётга ижодий ёндашувни таркиб топтириш, болалар қобилиятини ривожлантириш, уларнинг руҳий психологик хусусиятларини ўрганиш, ўқувчиларда салбий шахсий хусусиятлар ва ақлий заифликнинг психологик сабабларини аниқлаш ва шунга ўхшаш нуқсонларнинг олдини олишдан иборат.

Истиқболли раҳбар кадрлар заҳира мактаби. Истиқболли раҳбар кадрлар заҳира мактабининг мақсади — академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига иқтидорли, ташкилотчи, маънавий ва сиёсий етук, янгича фикрлаб ишлай оладиган раҳбар кадрларни танлаш ва уларни ўқитиш, янги педагогик технологиялар билан таништириш, ҳуқуқий, иқтисодий билим кўникмаларини оширишга кўмаклашишдан иборат.

Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари. Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари узлуксиз малака оширишнинг таркибий қисми бўлиб, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази томонидан ишлаб чиқилган Низом асосида ўтказиладиган машғулотлардан иборат.

Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари машғулотлари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази томонидан тавсия этилган "Ўқув режалари ва методик тавсиялар тўплами" материалларига асосан вилоятнинг энг яхши жиҳозланган ва ўқитувчилик салоҳияти юқори даражада бўлган таълим муассасаларида ўтказилади.

Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари, машғулотларини ўтказиш учун Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари, олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари, хорижий мамлакатларда малака ошириш ва тажриба алмашишда бўлган ўқитувчилар жалб этилади.

Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида қатнашган ўқитувчилар дарс бераётган фани бўйича лаборатория ишлари, маъруза матнлари тайёрлайдилар ва уни ҳимоя қиладилар, шунингдек, очиқ дарс ўтадилар. "Энг яхши маъруза матни", "Энг яхши очиқ дарс", "Энг яхши лаборатория ишлари ишланмаси" танловлари ўтказилади. Кўчма машғулотлар шартномавий келишувлар асосида қўшма корхоналарда, олий таълим муассасалари лабораторияларида ўтказилади.

РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДА

Республика миқёсида малака ошириш Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказининг Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти малака ошириш факультетида, олий таълим муассасалари қошида фаолият кўрсатадиган малака ошириш марказлари ва факультетларида белгиланган режа асосида малака ошириш, халқаро ташкилотлар, жамғармалар, лойиҳалар кўмагида малака ошириш, хорижий мамлакатларда малака ошириш, конференциялар, семинарларда иштирок этиш йўли билан амалга оширилади.

М.ХОЛМУҲАМЕДОВ,
Самарқанд вилояти ҳокимлиги ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғи, техника фанлари номзоди,
Ҳ.НАСИМОВ,
бошқарма бошлиғининг ўқув-услубий ишлар бўйича ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими,
М.БОЛИЕВ,
Инновация ва илғор педагогик технологиялар бўлими бошлиғи, Халқ таълими аълочиси

Odam ko'pligi uchun avtobus tiqilinch bo'ladi. Ana shunday vaziyatda besh-olti nafar bolalar orqa o'rindiqda to'planib, "ijod qilishadi".

«ЎЗГАНИКИ» ЭМАС, «ЎЗИМИЗНИКИ» ДЕБ ҚАРАЙЛИК!

Бирор юмуш билан кўчага отлансангиз, албатта автобусга чиқасиз. Орқароқдаги ўриндиққа ўтириб қолсангиз борми, "зерикмасдан" кетаверасиз. Нега дейсизми? Чунки орқадаги ўриндиқларни баъзи ёш йўловчилар ўзларига «доска» қилиб олишган.

Ҳа, бундай манзарага ҳар биримизнинг, ҳар куни кўзимиз тушади. "Плюс", "минус" ишорали ёзувларга, дил изҳори сифатида ёзилган чизгиларга-ку чидаш мумкин. Аммо "мен фалончиман" ёки "фалон мактаб, ... синф зўр" деган "ғаройиб" жумлаларни ёзиб, бунинг давомидан эса "иккинчи шахс"нинг куракда турмайдиган қўпол сўзлар билан ҳақоратлаб жавоб битиб кетаётганини кўриб уялиб кетасан, киши.

Хўш, бу жумлаларни ўқиб, бундай кароматларни кўрсатаётганлар ким экан ўзи, деб ажабланишингиз табиий. Ҳа, ўзингиз ҳам фаҳмлаётгандирсиз. Бундай ишлар фақат мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчиларининг қўлидан келади. Негалигини айтайми? Мен бу тўхтамга ўз-ўзидан келганим йўқ. Анчадан буён шаҳар йўловчи ташиш транспорт воситаларида юриб, кузатганларим натижасида шу хулосага келдим. Чунки асосан ўқув муассасалари жойлашган манзиллардан қатновчи йўналишларда бундай ҳолларни кўпроқ учратиш мумкин. Бунинг яна бир томони, мактаб ўқувчилари талабаларга қараганда шўх, ўйинқароқ бўлишади. Баъзилари бир-бирига айтмоқчи бўлган лақабию муҳаббатини ўриндиқлар орқасида ёзиб қолдиришади. Улар учун бу оддий ҳолат. Ачинарлиси шундаки, улар бундай пайтда қалам ёки ручкадан эмас, ўчирилмайдиган фломастерлардан фойдаланишади.

Ёзувларни қачон ёзиб улгуришади? Тушдан кейин ҳамма ўқувчилар, талабалар дарсдан чиқишади. Одам кўплиги учун автобус тиқилинч бўлади. Ана шундай вазиятда беш-олти нафар болалар орқа ўриндиқда тўпланиб, "ижод қилишади". Табиийки, мана шундай вақтда кондуктор уларнинг олдига келолмайди. Агар "безори"ни ушлаб олса борми, "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмасининг 2003 йил 14 майдаги 121-буйруғига асосан, транспорт жиҳозларига зарар етказгани учун 1088 сўмдан 21760 сўмгача жарима ундириб олиши муқаррар.

Бошланғич синфларда ўқиётган пайтимизда устозларимиз бизга ўтирган парталаримиз, доска, столларга ёзмаслигимизни тушунтиришарди. Буларнинг барчаси бизнинг ота-оналаримиз, опа-акаларимиздан қолганлигини, келгусида бизларнинг ҳам фарзандларимиз бу ерда билим олишлари кераклигини уқтиришарди. Ва дарсликларимизда ҳам шунга оид қоидалар бериларди. Буни кўрган ўқувчи табиийки, "ниманидир оларди". Билмадим, ҳозир ўқувчилар буларни ўқиб туриб ҳам уқмасмикан.

Ушбу мақолани ёзиш олдидан шаҳардаги турли йўналишдаги автобусларга чиқиб, кузатиш олиб бордим. Шофёрлар, чипта тарқатувчилар билан суҳбатлашдим. Айниқса, чипта тарқатувчининг иши нақадар оғирлигига, автобусга чиқаётган турли характердаги йўловчиларнинг ҳар бирига ўзига хос муомалада бўлиш учун мустаҳкам асаб, ирода кераклигига

Mulohaza

амин бўлдим. Юқоридагидек нохуш ҳолларда кондукторга ёки шофёрга автокорхона томонидан қандайдир чора кўриладими деб сўраганимда шофёрлардан бири, автобусга ёзиб кетишса, чипта тарқатувчининг ойлик иш ҳақидан 10 ёки 20 фоиз ушлаб қолинади, деб жавоб берди.

Бу фикрнинг қанчалик тўғри ёхуд нотўғрилигига амин бўлиш учун шаҳримиздаги Мирпўлатов кўчасида жойлашган 3-автокорхонага бордим. Кираверишда уч нафар ходим турган экан. Уларга яқинлашиб, муддаомни айтдим. Йигитлардан бири эса, "бизда ҳеч ким автобусга ёзмайди, ҳамма автобусларимиз яхши", деб қолди. Унга, бу масаланинг ҳуқуқий томонларини ўрганмоқчи эканлигимни, жамоат транспортларига шикаст етказилганда кондукторга қандай чора кўрилиши борасида ҳужжат бўлса, у билан танишиб чиқишим кераклигини тушунтиргач, директорга киришим мумкинлигини айтишди. Директор Мухтор Йўлдошев эса менга керак бўлган ҳужжат аслида йўқлигини билдирди. Маърифатсиз, тарбиясиз болалар давлат мулкига зарар етказган бўлса, бу чипта тарқатувчининг айби эмаслигини таъкидлади. Бундан ташқари белгиланган муддатларда ободончилик кунлари ўтказилиб, шу вақтда автобуслар ойналари, жиҳозлари тозаланар экан. Буларнинг барчаси автокорхона ҳисобидан қилинади. Ҳозирда кўчакўйда автобусга тош отиб, ойналарини синдирган ёки бошқа жиҳозларини бузган болалар ушланиб, ҳудуд нозирларига топширилмоқда. Директор куйиниб гапирар экан, "журналистлар бундай майда кўринган, аслида долзарб бўлган масалаларни қайта-қайта ёритса, зора газетани ўқиётган ота-оналар фарзандларига бу борада насиҳат қилса, устозлар эса тарбиявий соатларда ўқувчиларига яна ҳам кўпроқ жамоат мулкини ўз мулкидек авайлашни тушунтиришса" дея таъкидлади. Автокорхонадан чиқиб келаётиб, шу кўчадаги "Дори-таъминот" акционерлик жамиятининг деворига чизилган, Ўзбекистонимиз истиқболининг буюклиги акс этган расмларни кўриб кўзим қувнади. Девор бўлаклари ҳар битта мактабга ажратилган экан. Аждодларимиз, тарихий обидалар, янги иншоотлар болалар нигоҳида тасвирланган эди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўтказган расмлар танловидан эсдалик бўлиб қолган бу чизгилар кўчадаги, транспортдаги, ёзиш имкони бўлган барча жойлардаги "безак"лардан кескин фарқ қиларди.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, халқаро алоқалар ривожланиб бормоқда. Хусусан, кўчаларимизда қатнаётган Германиянинг "Mersedes-Benz" русумли автобуслари давлатимизнинг қанча-қанча маблағи эвазига олиб келинади. Ҳозир уларни авайлаб, янгилигича сақласак, транспортлар узоқ йиллар аҳолига хизмат қилиб давлатимизнинг маблағи тежалади.

Мустақил Ўзбекистонимиз ёрқин келажак сари дадил қадам ташламоқда. Бу йўлда ёшларимиз асосий таянч бўлиши лозим. Ҳар бир қилаётган ишларимиз келажак ворислари бўлмиш ёш авлоднинг билимли, маънавиятли ва соғлом бўлишига қаратилмоқда. Бу йўлда болалар катталарга ёрдам беришлари лозим. Ёрдам бериш эса яхши ўқиш, одобли бўлиш, мавжуд нарсаларни асраб-авайлашдан бошланади.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Qonun va fuqaro

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — МУҲИМ МЕЗОН!

Ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси йўлида қайғуриш шу куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун қайғуриш барчамизнинг асосий бурчларимиздан биридир. Жойлардаги прокуратура идоралари томонидан вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ишини мувофиқлаштириш эътибордаги масала бўлиб келаяпти. Биз шу масала бўйича Уйчи тумани прокурори Нурмуҳаммад Ражабов билан суҳбатлашдик ва қуйидагиларни билиб олдик.

— Уйчи тумани прокуратураси ходимлари ҳам вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунлар ва "Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросини таъминлаш юзасидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида бир қатор ташкилий тадбирларни амалга оширди. Ҳозир туманимизда 170 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган бўлса, унинг 42 минг 280 нафари мактаб ўқувчиларидир. Улар 46 та умумтаълим мактаби, 1 та мактаб-интернатларида таълим-тарбия олмоқдалар. Туманимиздаги Жийдакапа қурилиш ва коммунал, Уйчи маиший хизмат ва Ғайрат қўрғонида жойлашган Уйчи қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари ёшларни касбга йўналтириш борасида барча шароитларга эга. Ўтган йили туман миқёсида вояга етмаганлар орасида етти ой давомида 6 та жиноятчилик содир этилган бўлса, бу йил 3 тага камайди. Туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия иш фаолияти доимий тарзда бизнинг назоратимизда турибди. Улар орасида "Маҳалла" жамғармаси, туман спорт қўмитаси, халқ таълими, ички ишлар бўлими ходимлари бор. Шу боисдан туман миқёсидаги вояга етмаганлар фаолиятини тўғри ташкил қилиш барча жабҳаларни қамраб олган.

Болалар спортини ривожлантириш юзасидан мамлакатимиз Президентининг жамоатчилик олдига қўйган вазифаларидан келиб чиқиб, ўсиб келаётган ёш авлодни спортнинг бир қатор турларига жалб этишга интилаяпмиз. Туманимиз марказида ташкил этилган "Соғлом авлод" марказида спортнинг 14 га яқин турлари билан шуғулланиш имконияти бор. Айниқса, ёшларимиз Шарқ якка кураши бўйича нуфузли ўринларни эгаллаётгани бизни ҳам қувонтиради. Биргина ушбу масканда 500 дан ортиқ ёшлар доимий тарзда спорт билан банд. Ушбу мажмуага 6 миллион сўмлик спорт жиҳозлари келтирилган. Туман миқёсидаги эса 25 та спорт зали, 3 та футбол майдончаси ёшлар билан доимо гавжум. Албатта, ёшларнинг жисмоний ва маънавий баркамоллиги юртимиз келажаги учун муносиб ўринбосарлар етишиб чиқиши йўлидаги муҳим мезондир. Ҳозирда туман миқёсида 53 та маҳалла мавжуд. Биз прокуратура ходимлари маҳаллаларда бўлганимизда, ёшларни турли оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарвар, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбия топишини такрор-такрор тилга олаяпмиз. Энг муҳими, ёшларнинг кўнглига йўл топиш учун туман прокуратураси ходимлари ташаббуси билан вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи ташкил этилиб, ёшларнинг жиноят кўчасига кириб қолмасликлари учун иш билан таъминлаш борасида тумандаги бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарияти диққатини қаратдик. Бу борада Навоий ширкат хўжалиги, Ғайрат ширкат хўжалиги, туманимиздаги "Нотўқимачимато" ҳиссадорлик жамияти яқиндан ёрдам бераяпти. Уйчи йигирув-тўқув фабрикаси ҳам ёшларни иш билан таъминлашда яқин кўмакчимиз бўлаяпти. Туманимизда 46 нафар етим боланинг ҳар бирига 1000 сўмлик омонат дафтарчаси очилиб, уларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам эришдик. Бизнинг туманимизда умуртқа касалликлари мактаб-интернати жойлашган бўлиб, у ердаги болаларнинг ўз вақтида даволаниши, овқатланиши, бўш вақтини тўғри ташкил қилиш прокуратура ва туман ҳокимлигининг назаридан четда эмас. Шу вақт ичида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликлар ушбу мактаб-интернатини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда астойдил ёрдам беришяпти.

Вояга етмаганлар тарбияси билан боғлиқ ишларимизни ташкил этиш биргина прокуратура, туман ҳокимлиги қошидаги комиссия зиммасида эмас. Унга кенг жамоатчилик, ота-оналар, фарзандлар тарбиясига дахлдор барчамиз астойдил киришишимиз керак. Афсуски, баъзида ота-оналар ўз фарзандларининг қандай тарбия олаётганини, яратиб берилаётган шароитлардан қанчалик унумли фойдаланаётгани, уларнинг қалбида озод юртимизнинг эртасига қанчалик эзгу ниятлар билан фойда келтириши мумкин эканлигига кўп ҳам эътибор беравермайди. Бугунги авлод ахборот оқими кўпайган, тараққиётнинг юксак даврида вояга етаяпти. Биз ҳам уларнинг кўнглига йўл топишимиз, эзгу орзулар қанотида ўсиб-улғайишига бефарқ бўлмаслигимиз керак. Ўтган йилгига нисбатан шу йилнинг ўтган даври мобайнида туманимиз миқёсида вояга етмаганлар ишларини ташкил этиш самарали кечаяпти. Бу ишларни эса, келгусида ҳам доимий тарзда олиб борамиз.

Ш.АҲМАТОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Demak, sigareta uchun bir yil mobaynida sal kam 55 ming so'm sarf qilinsa, buning yarmi 50-55 ta badiiy kitob uchun, qolgani kinoteatr, muzey va shu kabi madaniy dam olish o'choqlariga borishga sarflansa foydadan xoli bo'lmas edi.

ХАЗОН ЁҚИБ, "ХАЗОН" БЎЛДИ

Чилонзор туманида жойлашган Арнасой кўчасида ёнгин содир бўлди. Дарслари тугаб, мактабдан қайтаётган болалар, зич жойлашган гаражлар орасида йиғилиб қолган баргларни ёқиб юбордилар. Аста-секин ёнаётган олов катта гулханга айланди. Буни кўрган ўқувчилар сумкаларини олиб, қочиб қолдилар.Иккала гаражда ҳам автомашина бўлганлиги учун улар ёниб кетди.

Шайхонтоҳур тумани 39-уй олдида 19-мактаб ҳудудида тўпланиб қолган хазоннинг ёниши оқибатида 21 гараж ичидаги уй жиҳозлари кул бўлган.

Тошкент шаҳрида содир бўлган 1435 та ёнғиндан 478 таси хазон ва ахлат чиқиндиларини ёқиш туфайли рўй берган.

Куз фаслида тўпланган барглар қуёш нурида қуриб, қовжираб тез алангга оладиган бўлиб қолади. Ана шундай ҳолатларда кимларнингдир эътиборсизлиги, лоқайдлиги ёки бўлмаса болаларнинг шўхликлари сабаб бўлиб, бу чиқиндилар ёқиб юборилади. Хазонларнинг устки, қуриган қисми тез ёниб ўзидан аччиқ тутун чиқариб, теварак-атрофга тарқайди. Биз ҳозиргина ҳайратланиб томоша қилаётган, руҳимизда кўтаринки кайфият уйғотаётган дарахтзорларда кузнинг ёқимли ҳавоси ўрнини аччиқ тутун эгаллайди. Ёнаётган олов атроф-муҳитга қанчалик зарар етказаётганлигини тушунмаймиз ёки тушунишни истамаймиз.

Айниқса, фарзандларимиз тутаб ётган хазонларни кўриб, унинг ёнишига "ёрдам" беришади. "Гулхан" атрофида ўйин қилиб, устига йиқилиб тушиб, азоб чекиб даволаниб юрганлари қанча?

Фарзандларимиз тарбиясига, уларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга ҳеч вақт лоқайд қарамаслигимиз керак. Озгина эътиборсизлик қилиб, фарзандларимиз соғлигига, чиройига зарар етказгандан кўра бугун шу ҳолатга қарши биргаликда кураш олиб борганимиз маъқулроқ эмасми?

Муслима РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси,
Ички хизмат лейтенанти

Qo'shimcha ta'lim

МАЪНАВИЯТ ЧАШМАЛАРИ

Институт музейи қарийб ўттиз йиллик илмий-ижодий ҳаётни ўзида акс эттиради. У ерда институтнинг ташкил этилишидаги дастлабки ҳужжатлардан тортиб бугунги фаолияти ҳақидаги маълумотлар ҳам жамланган. Музейда ҳар бир факультет ҳамда кафедра учун алоҳида-алоҳида деворий кўргазмалар ҳам ташкил этилган. Уни айланаётган ҳар бир киши бу ердаги тасвирий ва ёзма маълумотлар экспозицияси қаторида институтни бир неча нинг нафақат ўзи томонидан яратилган асарларидан намуналар, унинг қаламига мансуб ҳикматли сўзлар, балки унинг асарлари ҳақида Ойбек, А.Қаҳҳор, Иззат Султон каби етук шахсларнинг сўнмас хотиралари билан ҳам танишиш мумкин. Музейда сақланаётган адиб оила аъзоларининг суратлари ҳам кишини эътиборсиз қолдирмайди.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" хонаси талабаларнинг

Аждодларимизнинг маънавий меросини, турмуш тарзи, орзу-ўйлари, ҳиссиётлари, ижоди, санъати, илму маърифатининг самарали тарғиботчиси бўлган энг муҳим маданият муассасаларидан бири музейдир. Зотан, музей халқимизнинг тарихий, илмий, маънавий, маърифий аҳамиятга эга бўлган бойликлари, қадриятларини йиғиш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш учун хизмат қилади. Музейнинг ана шундай хайрли ишларини ҳисобга олган ҳолда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти қошида институт ҳамда Абдулла Қодирий музейи, шунингдек "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" хонаси ташкил этилган. Бу эса, институт талабалари онгини маънавий-маърифий жиҳатдан ўстиришда, уларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

йиллар олдин тамомлаган ва ҳозирги кунда эл ардоғида бўлган собиқ талабаларнинг суратларига аҳамият бермай ўта олмайди. Музейни томоша қилар экан, ҳар бир талаба ўзига катта маънавий озуқа, маърифий сабоқ олади, қалбидаги қайноқ орзулар тўлқинланиб, мамнунлик ҳисси жўш уради.

Абдулла Қодирий музейи эса ҳозирги пайтда институт профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда меҳмонлари учун адиб ва унинг ижодиёти ҳақида кўпгина маълумотлар манбаи ҳисобланади. Музейда ёзувчининг оғир қисмати ҳақидаги маълумотлар сақланади. Бу ерда ёзувчи-ҳуқуқий саводхонликларини оширишлари учун яратилган имкониятлардан биридир. Хонадаги ҳар бир китоб, ҳар бир ҳужжат ва маълумотлар наинки талабалар, балки барчанинг Ўзбекистон Республикаси ҳақида билиши шарт бўлган энг муҳим тарихий-сиёсий , ҳуқуқий манбалар ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Давлат Рамзлари, Президент асарларидан намуналар бўлажак мутахассисларнинг ҳаёт йўлларида дастурилама бўлиши шубҳасиздир.

Нилуфар МАНСУРОВА

Fikr

ЎҚУВЧИНГИЗ «ХОББИ»СИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўқувчилар ўртасида ҳаётга енгил муносабатда бўладиган, дунёқараши тор ва юзаки фикрлайдиган ўсмирлар ҳам йўқ эмас. Улар чет мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган фильмларни томоша қилиш, туғилган кунларини тантанали тарзда нишонлаш, сигарета чекиш каби машғулотлар билангина кифояланишади. Аслида эса улғайиб келаётган ўсмирнинг яшаш тарзи, ҳаёт гўзаллигидан баҳраманд бўлиш улар ўйлаганидек бўлмаслиги лозим. Уни қанчалар қизиқарли ва мазмунли ўтказиш ҳар бир ўсмирнинг ҳаракати, интилиши ва қизиқувчанлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада атроф-муҳит, маҳалла, ота-она ва мураббийларнинг роли катта бўлмоғи лозим.

Ўсмирнинг дарсдан ташқари бирор нарсага қизиқиши — хоббиси мактаб партасида ўтирган чоғларидаёқ уйғонади. Уларни ўзлари севган машғулотлардан завқлантира билиш, секинаста ҳаёт жараёнига, кундалик турмушга олиб кириш, иштиёқини ошириб бориш ҳамда кўрсатмалар бериб бормоқ зарур. Масалан, бадиий ва бошқа турдаги адабиётларни харид қилиб олиш ҳисобига шахсий кутубхоналарини бойитиш ёки кўкрак нишони, белги (значок)сини йиғиш ёки бўлмаса почта маркалари ҳамда открткалари, турли ёрлиқ, нишон ва шу каби ўзини қизиқтирган нарсалардан коллекция тўплаш ва кўпайтириб бориш мақсадга мувофиқдир. Шуни ҳам айтиш керакки, йиғилган коллекция бир-биридан фарқ қилиши, ўхшамаслиги, агар маълум соҳага ёки мавзуга оид бўлса, янада характерли ва эътиборга лойиқ бўлади, деб ўйлайман.

Олтмишинчи йилларнинг бошларида биз ўқиган мактабда филателистлар тўгараги ташкил этилган эди. Биз, 7-8-синф ўқувчилари бири-бирига ўхшамайдиган 300 дан ортиқ почта маркалари, қоғоз пул ва шу кабиларни тўплаб альбом ташкил қилганимиз худди кечагидек эсимда. Синфдошлар учрашиб қолганда, бу воқеани мароқ билан эслаймиз. Бу ўз-ўзидан бўлмаган, албатта. Бунинг учун қўшни ва чет мамлакат ўқувчилари билан яқиндан алоқа боғлаш, хатлар ёзиш, дарсдан бўш вақтларда почта ва алоқа хизматчилари юмушларига кўмаклашиш, вақти-вақти билан шаҳар дўконларидан маркалар харид қилиш зарурати туғилар эди. Йиғилган ҳар бир марка турли даврлардан сўзларди ва ҳикоя қиларди.

Жиззах шаҳар алоқа бўлими муҳандиси С.Петров ҳозир нафақада бўлишига қарамай турли йилларда ишлатилган 50 дан зиёд телефон аппарати йиғиб, уйида коллекция ташкил қилган. Бу қизиқиш унда ўқувчилик чоғларидаёқ пайдо бўлган экан.

Ғаллаорол туманининг Муллабулоқ қишлоғида истиқомат қилган, марҳум А.Сангировнинг уй-музейи мавжуд. Уй-музейда араб ва лотин алифбосида чоп этилган адабиётлар, газета ва журналлар тахламлари ҳозирги кунгача сақланади.

Ёшлар ўртасида сигарета чекиш урф бўлганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Биз сигарета чекишнинг иқтисодий зарари ҳақида бироз тўхталмоқчимиз. Масалан, кашанда учун бир қути "Хон" икки кунга етади дейлик. Бу оддий арифметика: 366 x 300=109800:2=54900 сўм. Демак, сигарета учун бир йил мобайнида сал кам 55 минг сўм сарф қилинса, бунинг ярми 50-55 та бадиий китоб учун, қолгани кинотеатр, музей ва шу каби маданий дам олиш ўчоқларига боришга сарфланса фойдадан холи бўлмас эди. Биз сигарета чекишнинг соғлиққа зарари ҳақида тўхталмадик.

Кундалик турмушимиз завқли, гўзал ва ранг-баранг. Биз ўсмирларни қанчалик фойдали ишларга ундасак, қизиқувчанлигини ошира борсак, уларга гўзалликнинг маълум бўлмаган қирралари, сир-синоатлари намоён бўлаверади. Болани мевали дарахтга ўхшатгимиз келади. Дарахт илдизлари қанчалик сертармоқ ва бақувват бўлса у баравж ривожланади, яхши мева бериши табиий. Ўсмир ҳам атрофдаги гўзалликлардан баҳраманд бўлиб борса, уни яхши илғаб завқлана олса, уни билим олиш ва меҳнат жараёнига, кундалик ҳаётига олиб кира билса, изланса фикр доираси бойиб, кенгайиб боради. Бу билан у келгусида орзу-мақсадларининг рўёбга чиқишига пухта замин ҳозирлаган, маънавий оламини бойитиб борган бўлади. Биз педагоглар ўқувчиларимизни ана шундай фойдали ишларга жалб қилсак, даъват этсак олдимиздаги бурчимизни оғишмай бажарган бўламиз.

Абдулла САИДОВ,
Ғаллаорол туманидаги 78-мактаб ўқитувчиси

Chekmaydigan odamlar yurak-qon tomir kasalliklari bilan, chekuvchilarga qaraganda 25 foiz kamroq kasallanishi aniqlandi, deb ta'kidlaydi kardiologiya kolleji mutaxassislari.

СИГАРЕТ ЧЕКУВЧИЛАР

АҚШ кардиология коллежининг кўп йиллик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, чекмайдиган одамлар ичига тушиб қолган чекувчи ҳам аста-секин сигарет чекишни камайтира бошлайди. Баъзи бир ҳолатларда эса шу орқали кашандаликни ташлаб юборади. Бунинг учун деярли аҳоли гавжум йиғиладиган жойларда сигарет чекишни тақиқлаб қўйиш керак. Чекувчи бировга ноқулайлик туғдираётганидан уялиб, чекмай қўяди. Натижада ўзини ва ён- атрофдагиларни сигарета тутунидан халос этади.

Тадқиқотчилар яна шуни аниқлашдики, сигарета тутуни юракка ниҳоятда зарар бўлиб, юрак-қон томир касалликларига олиб келади. Шифохонага ана шу касалликлар билан мурожаат қиладиганларнинг аксарияти чекувчилар эканлиги кўп йиллик текширувлар натижасида аниқланди. Чекмайдиган одамлар юрак-қон томир касалликлари билан, чекувчиларга қараганда 25 фоиз камроқ касалланиши аниқланди, деб таъкидлайди кардиология коллежи мутахассислари.

БАҒДОДДА ПОРТЛАШНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Бағдод шаҳрининг полиция хизмати ва АҚШ ҳарбийлари куни кеча шаҳар кўчаларидан бирида икки портловчи моддага тўла автоуловни пайқаб қолишди. Автоуловларнинг бири ҳарбийлар томонидан портлатиб юборилди. Иккинчиси эса хавфсизлантирилди. Тезлик билан автоуловларнинг эгаси қидириб топилди ва қамоққа олинди.

Қўпорувчининг айтишича, автоуловларнинг бири Ан-Нахада мактаби олдида портлатилиши керак эди. Ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилаяпти, деб хабар беради Бағдод полиция маҳкамаси.

ПРАГА МЕҲМОНХОНАЛАРИНИНГ БИРИДА

Чехия пойтахтининг Duo меҳмонхонасида кучли портлаш содир этилди. Портловчи модда меҳмонхонанинг хизматчилар хонасига яшириб қўйилган экан, деб хабар беради полициячилар. Портлашдан сўнг полиция дарҳол ҳамма сайёҳларни эвакуация қилишни бошлаб юборди. Прага шаҳрида дарҳол тезкор чора-тадбирлар кўрила бошланди. Поли-циячилар сони кўчаларда кўпайтирилди ва бошқа меҳмонхоналарда текширув ишлари олиб борилди. Фақатгина бахтли тасодиф натижасида жабрланувчилар бўлмади, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги.



Демократия сўзи тилга олинганда, дастлаб Америка давлати кўз ўнгимизда гавдаланади. Бундай бўлишига сабаб, демократиянинг энг юқори даражадаги кўриниши бугун Америкада шаклланганлигидадир. Биз демократия ҳақида мулоҳаза юритмасдан АҚШ давлати ҳақида озгина маълумот бериб ўтсак.

АҚШ Америка қитъасида жойлашган бутун дунёда иқтисодий ва ҳарбий томондан биринчи ўриндаги қудратли давлатдир. АҚШнинг ҳудуди 9363,2 минг км². *Катталигига кўра дунё мамлакатлари орасида тўртинчи ўринда туради. У таркибига кўра уч қисмдан иборат 1) яхлит тўртбурчак шаклга эга бўлиб, шарқдан ғарбга томон 4,7, шимолдан жанубга томон эса 3 минг км.га чўзилган. Асосий ҳудуд (ёки АҚШнинг ўзи) АҚШ ҳудуди беш соат минтақасида жойлашган бўлиб, улар ғарбдан шарққа томон Тинч океан, Марказий, Шарқий ва Атлантика номи билан аталувчи соат минтақаларининг ажратилишини белгилайди.*

Самолётнинг бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб океандан океангача (яъни, ғарб-шарқ йўналишида) учиб ўтиши учун 5-5,5 соат вақт кетади. 2) Аляска 3) Тинч океанидаги Ҳавайи ороллари.

Ҳозирда АҚШнинг умумий аҳолиси 291 миллион киши (2003 йил). Аҳолининг кўплиги жиҳатидан дунёда учинчи ўринда туради. Пойтахти Вашингтон, у Колумбия федерал округида жойлашган. Энг катта шаҳарлари Нью-Йорк (7 миллиондан ортиқ киши яшайди), Лос-Анжелес (4 миллион), Хьюстон (2 миллион), Филадельфия (2 миллионга яқин).

АҚШ давлати Ўзбекистон Республикаси билан давлатлараро алоқаларни мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ йўлга қўйди. 1992 йил 15-16 февраль кунлари АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда биринчи бўлиб АҚШнинг элчихонаси очилди. 1993 йил 14 сентябрда АҚШ давлат департаментининг махсус топшириқлар бўйича элчиси Строб Талбот Ўзбекистонга келиб, Ўзбекистон Президенти билан ҳамкорлик қилиш масалаларида суҳбатлашди. 1993 йил 6 апрелда АҚШ мудофаа вазири Уильям Перси юртимизга келди, Ўзбекистоннинг НАТО "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида иштироки муҳокама қилинди. АҚШ армияси ўқув-машқ марказида тинчликни таъминлаш мақсадида ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон Қуролли кучлари взводи иштирок этди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида сармояларни рағбатбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисида шартномалар тузилди. Тошкент — Нью-Йорк ўртасида бевосита ҳаво йўли очилди. Ўзбекистонда 1996 йил бошларигача америкалик сармоядорлар иштирокида 200 та ўзбек — америка қўшма корхоналари ташкил топди ва фаолият кўрсатди. Булар орасида Навоий вилояти Зарафшон водийсидаги Мурунтовда АҚШнинг Ньюмонт Майнинг Корпорацияси билан ҳамкорликда тоғ жинсларидан олтин ва кумуш ажратиб олувчи "Зарафшон — Ньюмонт" қўшма корхонаси бор. Американинг 28 та компания, фирма ва банки Тошкентда ўз ваколатхоналарини очган.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлиқ давлат делегациясининг 1996 йил 23-28 июнь кунлари АҚШда бўлиши Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларини янги поғонага кўтарди. Унда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, томонлар манфаатига даҳлдор бўлган сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик масалалари муҳокама этилди.



Dunyo mamlakatlari

1996 йил 25 июнь куни Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси очилди. Бу маросимда Ўзбекистон Президенти И.Каримов, АҚШ Мудофаа вазири У.Перри, энергетика вазири Г.О.Лири, АҚШ давлат департаментининг МДҲ, давлатлари бўйича вакили Ж.Коллинз қатнашди.

АҚШ давлат тузумига кўра, федератив республика бўлиб 50 та штатдан таркиб топган.

Ҳар бир штат ўз конституциясига, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларига, сайланган губернаторга, шунингдек, ўз рамзий белгиларига эга. Штатларнинг рамзий белгилари одатда уларнинг тарихий ёки табиий хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Масалан, Нью-Йорк штатини "империя штати" деб аташади, бунга сабаб шуки, АҚШ мустақил давлат деб эълон қилингач, у 13 та штат ичида энг каттаси эди. Унинг боғдорчилик штатларидан бирининг рамзий белгиси олмадир. Дэлавэр штати ҳам "биринчи штат" дейилади, чунки у конституцияни биринчи бўлиб тасдиқлаган, субтропик табиатли Флоридани — "Қуёшли штат", Аризона — "катта каньок штати", Мэн — "қарағай штати", Канзас — "кунгабоқар штати", Миссисипи — "Магнолия штати" дейилади.

1787 йилда умумий конституциянинг ишлаб чиқилиши, бу конституцияда ҳокимият тақсимоти масаласини узил-кесил ҳал этилиши жамиятни демократлаштириш учун қўйилган жиддий қадам бўлди. Конституция қабул қилингандан кейин 41 йил ўттач, АҚШда республикачилар партияси шаклланиб, фаолият кўрсата бошлади. 1854 йилга келиб, республикачилар партияси билан бир қаторда демократлар партияси сиёсий майдонга чиқди. Шу даврдан бошлаб АҚШда икки партиялилик қарор топди. Булардан ташқари ҳам бошқа партиялар мавжуд эди. Лекин улар бу икки партиядек фаол эмас эди.

Икки партиялилик АҚШ жамиятининг ўзига хос сиёсий тизимининг муҳим омилига айланган.

АҚШнинг федератив давлат тузуми мамлакатнинг давлат байроғида акс этган бўлиб, бу байроқ мамлакат мустақиллиги эълон қилингандан кейин 1776 йил тасдиқланган. Байроқнинг чап юқори бурчагида беш қирали оқ юлдузчалар туширилган ҳаворанг тўғри бурчак жойлашган, бундаги юлдузчалар сони федерацияга кирувчи штатлар сонига тўғри келади. Юлдузчалар сони штатлар сонининг ортиб боришига қараб ҳар доим кўпайиб борган. Байроққа 50-юлдузча 1959 йил Ҳавай оролларига штат ҳуқуқи берилиши муносабати билан туширилган. Байроқ матосининг ўзи 13 та оқ-қизил йўллардан иборат бўлиб, улар бир бутун бирлашган дастлабки 13 та штатнинг рамзий белгисидир.

АҚШда аҳолининг ўртача умр кўриши 74 ёш (эркак) — 80 ёш(аёл)дир. Бир йилда ўртача бир кишига даромад 34280 долларни ташкил қилади. (2001 йил) АҚШ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳажмига кўра дунёнинг исталган бошқа мамлакатидан анча устун туради. Давлат биринчи бўлиб агробизнесга ўтди. Аграр саноат мажмуи соҳасидаги ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳатто саноатдагидан ҳам тезроқ ўсмоқда. Сертармоқ қишлоқ хўжалиги фақат мамлакат эҳтиёжини таъминлабгина қолмай, экспортга ҳам анча маҳсулот етказиб беради. Жаҳондаги ғалла экспортининг ярмига яқини АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

У ерда қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий типи фермер бўлиб, у сотиладиган маҳсулотнинг асосий қисмини ишлаб чиқаради. Шу билан бирга агробизнес шароитида бос-қичма-босқич ихтисослашув ривож топган. Бундай ихтисослашувга биноан бир бутун ишлаб чиқариш жараёнини айрим босқичларга бўлиб амалга оширилади. Мисол учун помидор кўчатларини жанубий-шарқий штатларнинг фермерлари етиштирадилар. Сўнгра бу кўчатларни самолётда Калифорния штатига олиб келиб, улардан юқори нав помидор етиштирадилар. Техас штатида эса помидордан сок тайёрлайдилар.

АҚШда мингдан ортиқ газета ва мингдан ортиқ журналлар чоп этилади. Бу газеталар ҳажмининг катталиги билан ажралиб туради. Ҳатто кичикроқ шаҳарлардаги кундалик газеталарнинг ҳам 3-4 секцияси бўлади, (сиёсий, бизнес, спорт, турли хил кўнгилочар материаллар ва бошқалар), бу секцияларни ҳар бири эса 20 ва ундан ортиқ саҳифадан иборат. Йирик шаҳарларда газеталар 80-120 саҳифа бўлиб чиқади. Якшанба кунлари эса бундан ҳам катта ҳажмга эга бўлади. Бундай газета реклама иловалари билан бирга 2-3 кг. келади. Энг катта газеталар "Вашингтон пост", "Нью-Йорк таймс", "Ю-эс-эй тудей", "Крисчен сайенс монитор" "Уолл-стрит джорнел", "Лос-Анжелес таймс", "Бостон глоб", "Нью-Йорк пост", "Болтимор сон", "Нью сулк" ва бошқалардир.

Хусусий телевидениелари "Эй-би-си", "Си-Би-эс", "Эн-би-си", "Фокс", "Си-эн-эн" (бу Америка ва халқаро канал, дунё бўйича биринчи марта 24 соатлик иш фаолиятини амалга оширган. Эм-ти-ви (мусиқали телесет)лар фаолият олиб бормоқда. Радиоларига келадиган бўлсак, "Нешнл паблик радио нетуоркс", "Америка овози", "Озодлик" радиолари фаолият кўрсатмоқда. Шулар билан бир қаторда "Ассошиэйтед пресс", ЮПИ (Юнайтед пресс интернешнл), ва "Блумберг бизнес ньюс" агентликлари ҳам ахборот тарқатишни амалга оширмоқда.

Ш.АҲМАТОВ

Xonadon bog'chalaridagi har bir guruhda tarbiyalanuvchilar soni 7-10 nafardan oshmasligi kerak.

Maktabgacha ta'lim

ХОНАДОН БОҒЧАСИ

у қандай бўлиши керак?

Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш анъанавий мактабгача таълим муассасалари билан биргаликда мактабгача таълимнинг ноанъанавий турлари – саводхонлик марказлари, шанба-якшанбалик, қисқа муддатли гуруҳлар, хонадон боғчалари орқали ҳам амалга оширилмоқда. Мактабгача таълимнинг бундай янги турлари ўзининг айрим қулайликлари билан юқори самара берганлигини ўтган вақт исботлади. Шунинг учун ота-оналар ўртасида бундай таълим муассасаларига талаб кундан-кунга ўсиб бораяпти. Мактабгача таълимнинг ноанъанавий турлари тармоғини кенгайтириш борасида халқ таълимининг бошқарув органлари жамоатчилик, маҳалла, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимизда ноанъанавий мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Бунга кўра ноанъанавий мактабгача таълим муассасаларини кенгайтириш бўйича 2005 йилгача мўлжалланган истиқбол режаси ишлаб чиқилди. Шу йўналишда қилинган ишлар натижасида хонадон боғчалари, саводхонлик марказлари, қисқа муддатли гуруҳлар фаолиятида ўзига хос иш тажрибалари пайдо бўлаяпти. Биз айнан мана шу ноанъанавий мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятига назар ташлаш мақсадида туркум мақолалар тайёрлашга жазм қилдик. Бугунги нигоҳимиз хонадон боғчаларига қаратилди.

Аввало, хонадон боғчаларига, тегишли айрим ташкилий масалаларга тўхталиб ўтсак. Хонадон боғчалари мактабгача таълим муассасалари қошида ташкил қилиниб, уларнинг филиали сифатида фаолият кўрсатади. Хонадон боғчаларининг афзаллиги улардаги шароитнинг оила муҳитига яқинлиги, гуруҳдаги болалар сонининг камлиги билан белгиланади. Шу боис кенг жамоатчилик ноанъанавий мактабгача таълим турларининг бири бўлган хонадон боғчалари тармоғини ривожлантиришга эътибор қаратган.

Хонадон боғчалари ота-оналарнинг талабларига биноан маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда санитария-эпидемиология хизмати комиссиясининг хулосалари асосида очилади. Улар санитар-гигиеник жиҳатдан рухсат этилган шахсий уйларда ташкил этилиши мумкин. Хонадон боғчасида таълим-тарбия жараёнини тўлақонли ташкил этиш асосий мактабгача таълим муассасаси томонидан амалга оширилади. Хонадон боғчаларидаги ҳар бир гуруҳда тарбияланувчилар сони 7-10 нафардан ошмаслиги керак.

Агарда хонадон боғчалари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу биз учун янгилик эмас. Яъни, бундан 10 йиллар муқаддам юртимизда хонадон боғчалари ташкил этилган эди. 1994-1996 йиллар ўртасида уларнинг тармоғи кескин қисқарганлигини кузатиш мумкин. Эндиликда хонадон боғчалари яна ўз мавқеини тиклаш йўлида иш олиб бораяпти. Зеро, сўнгги 3 йилга назар ташласак 2001 йилда 350 та, 2002 йилда 440 та, 2003 йилда 540 хонадон боғчаларида болалар тарбияланмоқда.

Хонадон боғчалари тармоғини кенгайтириш борасида яна бир аҳамиятга молик тадбир амалга оширилаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Яъни, Халқ таълими вазирлиги ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида хонадон боғчаларининг сони кенгайиши учун қўшма дастур асосида иш олиб борилаяпти. ЮНИСЕФнинг бу ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, ўқув-тарбия ишларини ривожлантириш ташаббуси билан чиққанлигини юқори баҳолаш керак. Қилинаётган амалий ишларга келсак, шу кунгача ЮНИСЕФ кўмагида 25 та "Маҳалла боғчалари" (ЮНИСЕФ хонадон боғчаларини шундай атайди) ташкил этилди.

Хонадон боғчаларида ўқув-тарбия ишларини йўлга қўйиш масаласи эса жойлардаги хонадон боғчаларида турли хил кўринишларда шаклланиб бораяпти. Бу борада ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда шу йилнинг май ойида Фарғонада, сентябрь ойида Хоразмда 4-5 кунлик семинар-тренинглар ўтказилди. Семинар-тренингда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳридан мутахассислар иштирок этди. Ушбу тренингларда уй шароитида болалар билан ўйинларни, жисмоний соғломлаштиришни, умуман таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, раҳбарлик маҳорати масалалари юзасидан баҳс олиб борилди. Масалан, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 6-сонли МТМ, Хива шаҳридаги 8-сонли МТМлар қошида ташкил этилган хонадон боғчаларида болалар ўйин фаолиятини ташкил қилиниши билан, Фарғона вилояти Қува туманидаги 23-сонли МТМ қошидаги хонадон боғчасида уй шароитида болаларни ривожлантирувчи муҳитни ташкил қилиниши билан танишдик. Натижада, бугунги кунда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда хонадон боғчаларини ташкил қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу тавсиялар республиканинг турли ҳудудларида хонадон боғчалари тармоғини кенгайтиришда мутахассисларга қўл келади. Шунингдек, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан хонадон боғчаларини ташкил қилиш қўллаб-қувватланса, болаларни Давлат талаблари асосида мактаб таълимига тайёрлашда ва аҳолига қулайликлар яратишда олиб борилаётган ишларнинг салмоғи ва бажарилиши янада ортган бўлар эди.

С.ЗУПАРХЎЖАЕВА,
Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи

Самарқанд шаҳар Темирйўл туманидаги 2-боғча-мактаб мажмуаси тарбияланувчилари ушбу масканда инглиз ва япон тиллари, иқтисодиёт асослари каби фанлари билан бир қаторда бадиий гимнастика билан ҳам мунтазам шуғулланишади.

Суратда: боғча-мактаб мажмуаси директори З. Абдуллаева тарбияланувчилар билан суҳбатлашмоқда.

К.МАСЕЕВ олган сурат

БОЛАЛАР УЧУН КИЧИК КОРХОНА

1989 йил Норин туманидаги жамоа хўжалигининг идораси болалар боғчаси учун мослаштириб берилди. Табиийки, бундай шароитда иш юритиш учун изланувчан, талабчан раҳбар керак эди. Буни ҳис қилган Норин тумани халқ таълими бўлими раҳбарияти Санобар опа Азимовани мудира этиб тайинлашди.

Дастлаб боғчада 6 та гуруҳ мавжуд бўлиб, иш фаолиятининг дастлабки ойларида бироз қийинчиликларга дуч келди. Боғча иш фаолиятини яхшилаш мақсадида "Баҳолаш ойнаси" ташкил этилиб, тарбиячиларнинг иш фаолияти таҳлил этилиб борилди. Бу эса ходимларни янада яхшироқ ишлашга, тарбиядаги масъулиятни чуқур ҳис этишга ундади. Шу билан бирга бинони таъмирлаш, ошхона қуриш ишлари бошлаб юборилди. 1990 йилга келиб жамоа иш фаолиятида тадбиркорлик куртак ёза бошлади. Боғча ўз-ўзини бошқариш усулига ўтди. Боғчада иссиқхона ташкил этилди. Етиштирилган помидор кўчатлари боғча ҳовлисига экилиб, шу йили юқори даромад олинди. Топилган даромад ҳисобига эса, болалар учун ёзги дам олиш айвончалари, қишки ва ёзги сув ҳавзалари барпо қилинди.

Муассаса биносини кенгайтириш, боғчани мактаб-боғча мажмуасига айлантириш мақсадида 1994 йилда ёрдамчи хўжалик ташкил қилинди. Муассаса ходимлари қорамол, қўй, парранда, ипак қурти боқа бошлади. Топилган маблағлар эвазига боғча биноси кенгайтирилди, илк марта боғча-мактаб 1-синф ўқувчиларини ўз қучоғига олди. Бу эса ходимлар олдига янги-янги вазифаларни, муаммоларни қўйди. Таълим мажмуида барча эътибор тарбияланувчиларни мактабга тайёрлашга, уларда замонавий билим асосларини шакллантиришга қаратилган бўлса, эндиги вазифа мактабни битираётган бошланғич синф ўқувчиларини бугунги кун талаби даражасида тарбиялаш эди. Бу йўлда жамоа кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун дарсликлар, ўқув қуроллари сотиб олди. Уларнинг чуқур билим олишлари учун шароит яратиб берди.

Бугунги кунда раҳбар тадбиркор бўлмаса, иш юришмаслигини англаб етган Санобар Азимова топилган маблағларини сарҳисоб қилиб, мажмуа қошида кўп тармоқли кичик корхона ташкил қилди. Тажрибали чевар Гулбаҳор Саидаҳмедова билан шартнома тузиб, 3 ойлик курс ташкил қилди. Жамоа хўжалигининг буғдойдан бўшаган ерларидан олиб, картошка, ловия эктирди. Банкда муассасанинг алоҳида ҳисоб рақами очилди. Боғчадаги боқувчисини йўқотган тарбияланувчиларнинг бадалларини тўлайдиган бўлди. Жамоа хўжалигининг қаровсиз қолган клубини ўз ихтиёрига олиб, тўла таъмирдан чиқарди ва бу ерда мажмуанинг музейи ва кутубхонасини ташкил қилди. 9 бўлимдан иборат бўлган музейда 2 мингдан зиёд экспонатлар жойлашган. 2500 мингдан зиёд бадиий ва илмий адабиётлар, методик тавсиялар жой олган кутубхона эса боғча-мактаб мажмуаси ўқитувчи-тарбиячиларнинг энг севимли масканидир.

— Мажмуа жамоаси бугунги кунда ўз нуфузига эга, — дейди вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мактабгача тарбия бўлими услубчиси З.Расулова. — Мажмуада бир неча бор вилоят, туман семинарлари ўтказилган. Республика миқёсида ўтказилган турли хил танловларда қатнашиб фахрли ўринларни эгаллашди.

Дарҳақиқат, 230 нафар кичкинтойлар тарбияланаётган мажмуадаги ҳар бир ўқувчига ўз фикрини мустақил ифода этиб, ўзлигини англай оладиган, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга содиқ баркамол инсонни тарбиялаш вазифасини амалга оширишда муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хосият ОМОНОВА,
Норин тумани

«Ma'rifat»ga maktublar



ЮРАГИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Ўзим химия-биология фани ўқитувчисиман. Одамнинг тузилишини ва физиологиясини врачлардек чуқур билмасам-да, ҳар қалай озми-кўпми бу борада билимга эгаман.

Маълумки, вазни 200 граммдан сал ортиқроқ келадиган муштдеккина юрак энг муҳим ҳаётий вазифани бажаради, насос сингари бетўхтов ишлаб, қон томирларидаги қонни тўхтовсиз ҳаракатлантириб танамизнинг ҳамма аъзоларини, миллионлаб ҳужайраларни озуқа ва кислород билан таъминлайди. Ана шу нодир аъзомиз дам олмай машаққатли меҳнат қилишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Агар одамнинг юраги бир неча сония тўхтаб қолса, ҳаёти ҳам тўхтайди-ку?

Баъзида арзимаган сабаблар билан жиғибийронимиз чиқиб, беҳудага асабийлашамиз. Бу билан мана шу муҳим аъзомизга қанчалар зарба бераётганимизни, уни кучсизлантириб, нозик аъзоларига заҳа етказаётганимизни, ҳаддан ортиқ толиқтираётганмизни, оқибатда умримизни ҳам қисқартираётганимизни ўйлаб кўрмаймиз.

Мутахассис олимларнинг таъкидлашларича, ҳозирги пайтда юрак, қон томир касалликлари билан оғриган беморлар ва юрак касаллиги туфайли ҳаётдан кўз юмаётганлар сони сезиларли даражада ортиб бораяпти экан. Ўз меҳнати билан жамиятимизга нафи тегадиган 30-40 ёшлардаги навқирон ёшлар орасида ҳам юрак хуружи билан ҳаётдан кўз юмганларни эшитиб, ачинасан киши.

Хуллас, юрак хуружи билан вафот этган акамнинг сўнги нафаси олдидаги ҳолатларини кўриб, қаттиқ таъсирланиб, заҳматкаш аъзомиз — юрак тўғрисида қуйидаги шеърни қоралаб қўйган эдим.

Бу билан одамларга: "Эй ватандошлар! Худа беҳуда асабийлашаверманг?! Юрагингизни эҳтиёт қилинг! Бир-биримизга меҳр кўрсатиб, оқибатли бўлайлик. Соғлиғингиз ўз қўлингизда-ку?! — деб баралла хайқиргим келади.

Шу туфайли, ҳамма соҳадагидек матбуот тизимида ҳам рақобат туфайли талаб ва масъулият ортган бир паллада, ҳамон ўзининг аввалги мавқеи, ўрни ва қадриятини сақлаб, ҳукуматимиз ва халқимиз ҳурмат ва эътиборини қозониб фаолият кўрсатаётган, ҳар бир сони барча шаҳар ва чекка қишлоқларгача етиб бораётган кекса, бироқ ҳамон навқирон севимли газетамиз "Маърифат"га мурожаат қилаяпман.

ЮРАК

Нега безовтасан, нотинчсан юрак?!
Кенггина маконинг бўлиб сенга тор.
Ноҳақдан тиғ уриб асабларингга,
Ороминг олдими бирор нобакор?

Нола қилгандексен, зорланиб инграб,
Зўр-базўр кучаниб оласан нафас.
Азият чекдингми мудҳиш хабардан?
Зарбингдан титрайди кўкрагинг — қафас.

Ногаҳон урилган яшин-оловдан,
Навқирон, ям-яшил сўлдими боғинг.
Гирдобли ҳаётга бардошинг етмай,
Паймонанг тўлдими суянган тоғим?

Гоҳ кучланиб, гоҳо дақиқа тўхтаб,
"Совуқ шарпалардан" қилгандек огоҳ.
Бутун вужудимни муздек тер босиб,
Ҳушимни йўқотиб қоламан гоҳ-гоҳ.

Тинглагин азизим, берайин кўмак,
Муҳайё қилайин сенга не керак?
Орзуларим кўпдир, имондир тилак,
Бахтимга сен доим бардам бўл, юрак.

Беминнат хизматинг мен писанд қилмай,
Озор берган бўлсам авф этгил, юрак.
Танимга, жонимга куч-қувват бериб,
Ҳаёт бағишловчи мардона юрак!

Аҳмаджон АМИНЖОНОВ,
нафақадаги муаллим
Олтиариқ тумани

«РАДУГА» КАМАЛАК ДЕГАНИ

1999 йил 21 сентябрда "Ўзбекистон овози" газетасида менинг С.Раҳимов туманидаги 395-сонли болалар боғча-яслиси пештоқига "Шодлик" номли болалар боғча-яслиси" деб хато ёзилгани ҳақида кичик бир мақолам берилган эди.

Орадан тўрт йилга яқин вақт ўтаётган бўлсада, бу ёзув ҳали ўзгаргани йўқ. Бу ҳақда яна ёзиш ниятим йўқ эди. Бироқ яқинда шу туман ҳокими маҳкамаси биноси орқасидаги маданият ва истироҳат боғида бўлганимда, бир ҳодисага гувоҳ бўлдим ва яна қўлимга қалам олиб, энди Халқ таълими вазирлигининг нашри бўлган "Маърифат"га ёзишга мажбур бўлдим...

Аввалари шу боққа киришда "Оймома" номли боғ" деган ғалати ёзув турарди. Эътибор бериб қарасам уни "Оймома" боғи» деб тўғирлаб ёзиб қўйишган экан. Шу боғ мутасаддилари орасида ўзбек тили қоидаларини биладиган одамлар борлигидан қувондим. Маданият ишлари вазирлиги тизимида хизмат қилувчилар боғ номини тўғри ёзишни уддалаганлари ҳолда, асосий ишлари ёш авлодни саводли қилиш бўлган халқ таълими ходимлари нега бу ишни қила олмаяптилар?

Абдулла Қодирий номли боғ ёки боғча бўлса майли, аммо боғчанинг номи "Орзу" бўлса, у ҳолда "Орзу" номли дейилмайди. Худди "Пахтакор" номли стадион дейилмай, "Пахтакор" стадиони дейилганидек.

Агарда тумандаги боғчалардан фақат биттаси "Шодлик" номли" бўлиб қолаётганида эди, мен ҳеч кимга ҳеч нарса демаган бўлардим. Тумандаги "Қорақамиш" даҳасининг кичик бир қисмида пештоқига "Орзу" номли 423-сонли", "Жавоҳир" номли 472-сонли" деб ёзилган боғча-яслилар бор. Энг ачинарлиси, русча номлар сақланиб қолгани етмаганидек, ўша ном атоқли от сифатида" Радуга" номли болалар боғча-яслиси" деб "Қорақамиш" 2/4 даҳасидаги 478-сонли боғча пештоқига ёзиб қўйилганига нима дейсиз? Бу ўринда «Радуга»ни «Камалак» дея ўзбекчалаштириш, наҳотки қийин бўлса?

Мен бу масалада Тошкент шаҳри ёки республикамиз миқёсида аҳвол қандайлиги ҳақида бир нарса деёлмайман, бироқ олтиетти ёшдаги болаларимизни мактабга кузатадиган даргоҳларда бу хатоликларга барҳам бериш шарт.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
ҳуқуқшунос

«МЕҲМОНХОНА»МИ ЁКИ «HOTEL»

Давлат томонидан қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлаш ва албатта унга риоя, амал қилиш шарт. Қонун қабул қилинар экан, унинг амал қилиши муҳим аҳамиятга эга. Амалда ўз кучига эга бўлмаган қонун пуч ёнғоққа ўхшайди. Барчамизга маълумки, бундан ўн тўрт йил аввал ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган ва «Давлат тили ҳақида»ги қонун ҳам қабул қилинган эди. Бу тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа миллий тилимизнинг ривожланиши учун кенг йўл очди. Орадан бироз муддат ўтиб, мазкур қонун қайтадан таҳрир қилинди. Унинг кўпгина моддаларига ўзгартиришлар киритилди, халқимиз турмуш тарзига мослаштирилди.

Қонун талабларидан келиб чиқиб, ҳаётий мисолларга мурожаат этайлик. Бугунги кунда шаҳримизнинг ҳуснига-ҳусн қўшиб турган кўплаб меъморий иншоотларимизни олайлик. Булар қаторига қайтадан таъмирланган ва янада ҳашаматли кўринишга эга бўлган меҳмонхоналарни ҳам киритиш мумкин. Энди худди шу меҳмонхоналарнинг пештоқига ёзилган номларига ҳам эътибор берайлик: «Grand mir», «Тошкент Palac Hotel», «Dedemon silk Road». Бу номлар, албатта, инглиз тилида ёзилган бўлиб, қандай маъно англатишини кўпчилик билмайди.

Энди «Давлат тили ҳақида»ги қонунга мурожаат қиламиз. Мазкур қонуннинг 22-моддасида шундай дейилади: «Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалар ва географик объектларнинг номлари давлат тилида акс эттирилади». Ахир меҳмонхоналар ҳам географик объект эмасми? Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, бугун ажабтовур жаранглаётган меҳмонхона номлари давлат тилида акс эттирилиши лозим.

Хулоса ўрнида айтадиганимиз шуки, ўзбек тили давлат тили сифатида қонун билан белгилаб қўйилибдими, унинг амал қилиши учун катта-кичик бирдай масъулият ҳис қилмоғи лозим.

Зоҳид ШАКАРОВ,
талаба

РЕКЛАМАЛАР НИМАГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК?

Тилимизга давлат тили мақоми берилганининг 14 йиллигини ҳам нишонладик. Жойларда олиб борилаётган ишлар талайгина. Аммо шу 14 йил ичида нимага эришдик, нимага эса йўқ? Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши нималарга ёки кимларга таъсир қилди экан? Биз учун ташвиқот ва тарғибот марказининг асосий нуқтаси — ойнаи жаҳон, матбуот — яъни 4-ҳокимият. Лекин уларда иш кўнгилдагидек кетаяптими?

Она тилимизга фақат қонунда катта жой ажратдик, ҳаётда эса ҳали ҳам баъзан рус тилига мурожаат қилаяпмиз. Айтайлик, энг долзарб бўлган мавзу ҳам рус тилида — рекламада берилади. Шампунлар, чойлар, совунлар, тозаловчи воситалар, аёллар, эркаклар учун ҳам чиқарилган ўша "жилет", "Рексона" ёки 6 ойлик чақалоқ ҳам ўзи ҳақида, ўз орзусини рус тилида баён қилади.

Яхши нарса кишилар орасида тез муомалага киради, уни қайта-қайта рус тилида сериаллар давомида бериш шартмикан.

Тиш пастаси ёки сақич ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Ойнаи жаҳон нимага бонг уради. Турли воситалар ташвиқотими ёки рус тилини ўрганишгами. Тўғри, кўп тилни билмоқ керак, бу яхши нарса, лекин ҳар бир нарсанинг чегараси бор.

Энди сигареталар ҳақида: барча (деярли) ўзбек телесериалларида ва кўпгина клипларда сигарета оммабоп тарзида қайд қилинган. "Чархпалак", "Аёл зоти", "Домла"да, "Қисмат" клипида ҳам сигарета тутатаётган тимсол гавдаланади. Бурқситиб тутатаётган образ: шифокор, зиёли, санъаткор каби шахсларга кўзинг тушади. Ҳаётнинг чуқур фалсафасининг ечимига сигаретани тортиб-тортиб киришиш шартмикан?! Ёшларни бундай чақириқ билан безовта қилмаётганмиканмиз? Наҳот ўша рекламалар кимга қандай таъсир қилишини ўйлаб кўрмасак?

Дилбар НОРМУРОДОВА,
Термиз шаҳар
Алишер Навоий номидаги
мактаб ўқитувчиси

Mehrning tayanchi ishonchda ekanligini bilgan murabbiy har bir yosh shogirdlari bilan til topisha olgan.

БОЛАЛАР ВА СПОРТ

Биз фарзандлар тарбиясига жуда катта эътибор берадиган халқмиз. Болаларимизнинг ота-онасига ва ватанига садоқатли, айниқса, иймон-эътиқодида собитқадам бўлишини дил-дилдан истаймиз. Бундай орзу-истакнинг рўёбга чиқиши учун эса бизга тарбия воситаси керак. Улар турлича бўлиши мумкин. Спорт эса тарбиянинг энг оммабоп ва самарали воситасидир. Ҳотамжон Ибрагимов пойтахтимизнинг "Динамо" спорт мажмуасида бокс мураббийи бўлиб ишлайди. Унинг қўл остида 15-17 нафар спортсевар болалар тарбияланмоқда. Меҳрнинг таянчи ишончда эканлигини билган мураббий ҳар бир ёш шогирдлари билан тил топиша олган. Ўз ўрнида Ҳотамжон мураббийларга хос масъулият билан меҳнат қилади. Қаттиққўл устоз болаларнинг машғулотларга ўз вақтида қатнашига, ҳар бир машғулотдан нимадир олиб кетишига катта эътибор беради.

Меҳнатсевар ва тиришқоқ мураббий Ҳотамжон билан суҳбатлашиб, унинг ниҳоятда қуюнчак эканлигига ҳам ишонч ҳосил қилдик.

— Ҳотамжон, узоқ йиллардан бери қўл остингизда шуғулланаётган шогирдларингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Тўғриси, болаларнинг спортга меҳри бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ. Улар спортга катта орзулар билан қадам қўймоқдалар. Ўн икки йиллик меҳнат фаолиятимда кўплаб иқтидорли спортчи болаларни кўрдим, тарбияладим. Ачинарлиси, ана шу кўпгина тиришқоқ болалар маълум вақт ўтиб спортдан бутунлай узоқлашиб кетяпти. Кетолмай юрганларини эса рост гап, меҳрибонлик билан ушлаб қоляпмиз.

— Кечирасиз, нима учун болалар спортни ташлаб кетишяпти, деб ишонч билан айтдингиз? Сабаби...

— Сабаби бир қарашда оддий туюлади. Болалар кунора бўладиган машғулотлардан зерикишган, мусобақаларни соғинишган. Мусобақалар учун маблағ топиш масаласи эса муаммолигича қолаверади. Биргина мисол билан фикримни исботласам. Саккиз йилдирки, 8-синф ўқувчиси Тоир Аҳмедов бокс машғулотларига қатнайди. Ундан келажакда Артур Григорян ва Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг издоши чиқишига умид бор эди. Аммо Тоир спорт залимизга Чилонзор мавзеининг 17-даҳасидан қатнашга қийналади. Машғулотларга бир кун келса, эртасига келолмайди. Тўғриси, унинг бир ҳафтада уч кунлик машғулотлари учун ота-онаси пул топиб беролмаётганлиги маълум бўлди. Оиладаги уч нафар фарзанднинг яна бири — укаси Улуғбек ҳам футбол тўгарагига қатнаш истагида экан. Хуллас, орадан ўтган саккиз йил Тоир учун ҳам, мен учун ҳам самарасиз кечди.

— Самарасиз машғулотлар сабаби маблағнинг тақчиллиги экан-да?

— Биргина бу эмас-да. Биз Тоир ва унга ўхшаган болалардан ойлик бадал пулларини ҳам олмасдан, уларга қулайлик яратдик. Шунда болалар машғулотларга вақтида қатнашади, деб ўйлагандик. Яхшиямки, бу фикримиз уларнинг ота-оналарига ҳам маъқул тушиб, фарзандларини машғулотларга юбора бошладилар. Дарвоқе, ўша Тоиржон машғулотларга келиб-кетиш учун ҳар куни икки бекатни яёв юриб ўтади. Сўнг, метрода "Динамо"га йўл олади.

— Айтинг-чи, бугунги кунда болаларнинг йўл чиптаси, ойлик бадал тўловларидан ташқари сизни мураббий сифатида яна қандай муаммолар ўйлантиради?

— Машғулотлар учун ёш спортчиларимизга бокс қўлқоплари, спорт анжомлари ҳам етишмайди. Доимий мусобақалар уюштиришга керакли маблағ ҳам.

Ҳотамжон сингари мутахассисларни бугун Тошкент шаҳридагина эмас, балки мамлакатимизнинг катта-кичик қишлоқларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Шундай экан, уларнинг қувончлари ва ташвишларида ҳам муштараклик бор.

Демак, мураббийларга, уларнинг кўп сонли шогирдларига ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатиш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланиб боряпти. Қарийб бир йилдан зиёд фаолият кўрсатаётган болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ҳам бу борада муайян ишлар қилинди, қилинмоқда. Ва келгусида бу саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилади.

Маъмура МАДРАҲИМОВА

Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика Марказида 2003 йилнинг ноябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари курси 3 — 29 ноябрь, 27 кунлик
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари курси 3 — 29 ноябрь, 27 кунлик
3. ВМОМИ катта ўқитувчилари ва услубчилари курси 3 — 8 ноябрь, 6 кунлик
4. Мактабгача таълим муассасаси ХТБ услубчилари курси 3 — 15 ноябрь, 12 кунлик
5. Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари курси 3 — 29 ноябрь, 27 кунлик

3 — 15 ноябрь, 12 кунлик қисқа муддатли (10 йилдан юқори стажга эга бўлганлар учун).

ЭСЛАТМАЛАР:

1. Тингловчилар Марказнинг янги таъмирланган, шинам, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонасига жойлашадилар. Марказ қошидаги кутубхонадан фойдаланадилар. Машғулотлар Республикадаги таниқли олимлар, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, малакали, етук мутахассислар томонидан олиб борилади.
2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари лозим.
3. Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика Маркази ҳисобидан тўланади.

Манзил: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.

USAID

UNITED STATES AGENCY FOR INTERNATIONAL DEVELOPMENT

The PEAKS Project

OPEN SOCIETY INSTITUTE ASSISTANCE FOUNDATION

Buxoro, Toshkent, Farg'ona va Xorazm viloyatlari, Toshkent shahri va Qoraqalpog'iston Respublikasi maktablari diqqatiga!

USAID PEAKS loyihasi sizga yangi pedagogik texnologiyalar manbayi bo'lgan Kasb-hunar Taraqqiyot Maktablari bilan hamkorlik qilishga imkoniyat beradi.

PEAKS loyihasi mablag'i USAID (AQSh xalqaro taraqqiyot agentligi) tomonidan berilgan va Ta'lim Taraqqiyoti Akademiyasi (AQSh), Ochiq Jamiyat Instituti Ko'mak Jamg'armasi, "Bolalarni saqlang" Ittifoqi (Buyuk Britaniya, AQSh) va Abt Associates (AQSh) kabi nufuzli xalqaro tashkilotlarning hamkorligida amalga oshirilmoqda.

PEAKS loyihasining maqsadi O'rta Osiyoda ommabop va sifatli ta'limni ta'minlashga ko'mak berish, maktab o'qituvchilari tarkibini kuchaytirish, zaruriy o'quv rejalari va dasturlarini ishlab chiqish, ota-onalar va boshqa fuqarolarni ta'lim jarayoniga keng miqyosda jalb qilish, ta'lim tizimining barcha bosqichlarida mavjud bo'lgan imkoniyatlarini kuchaytirish hamda ta'lim muassasalari infrastrukturasini kuchaytirishdir. Loyiha doirasida mahalliy va mintaqaviy miqyosda peshqadam tajribalarni ilgari surish markazi bo'lib qoladigan eksperimental davlat maktablariga alohida e'tibor qaratiladi.

PEAKS loyihasi keyingi ikki yil davomida Buxoro shahrining 8-son maktabi, Olmaliq shahrining 5-son maktabi, Farg;ona shahrining "Parvoz" maktabi, Urganch shahrining 3-son maktabi, Toshkent shahrining 145-son maktabi va Nukus shahrining 21-son maktabi bilan bo'lgan o'qituvchilar va hamjamiyatning sifatli ta'lim borasidagi imkoniyatlarini oshirishga qaratilgan hamkorligingizni qo'llab-quvvatlaydi.

Loyiha doirasida Ochiq Jamiyat Instituti Ko'mak Jamg'armasi – O'zbekiston maktablar tanlovini e'lon qiladi. Tanlovda ishtirok etish uchun Buxoro, Toshkent, Farg'ona va Xorazm viloyatlari hamda Toshkent shahri va Qoraqalpog'iston Respublikasi umumiy ta'lim maktablari, o'qitish olib boriladigan tilidan qat'iy nazar, taklif qilinadi. Ayni paytda aytib o'tilgan hududlarning har birida tajriba "Kasbiy Taraqqiyot Maktablari" tayyorlangan, va ular malaka oshirish institutlari bilan birgalikda ushbu tanlov natijasida tanlab olingan maktablar uchun ta'lim seminarlarini o'tkazadilar. PEAKS loyihasi haqida qo'shimcha ma'lumotni viloyat va tuman maorif bo'limlarida, shuningdek, loyihaning tajriba maktablariga tashrif buyurganda olish mumkin.

Maktablar ochiq tanlov asosida tanlab olinadi. Maktablarni tanlash me'zonlari quyidagichadir: o'quvchilar ehtiyojlariga qaratilgan demokratik va innovatsion ta'lim prinsiplariga sodiqlik, ochiqlik va maktablarning tajriba almashinuviga tayyorligidir.

Tanlovda ishtirok etish uchun quyidagi savollarga javoblar berilgan arizani yuborish lozim:

1. Maktabingizning kuchli tomoni deb nimani hisoblaysiz?
2. O'z maktabingizda nimani o'zgartirgan bo'lar edingiz?
3. Maktabingiz o'qituvchilari xalqaro tashkilotlar seminar-treninglarida ishtirok etganmi? "Ha" deb javob bergan bo'lsangiz, kim, qayerda, qanday tadbirlarda ishtirok etganlarini aytib o'ting.
4. "Maktab demokratizatsiyasi" deganda nimani tushunasiz?
5. Sizningcha, o'quvchilarga sifatli ta'limni ta'minlash uchun maktabga nima kerak?
6. Ta'lim sifatini yaxshilash borasida ota-onalar va jamoatchilik yordam bera oladimi? Qay tarzda? Misollar keltiring.
7. Maktab haqida rasmiy ma'lumotlarni bering (maktab pasporti bo'yicha), shuningdek, keltirmoqchi bo'lgan barcha ma'lumotni bering.
8. Sizning maktabingiz xalqaro tashkilotlardan yordam olganmi? To'liq ma'lumot bering.
9. Maktabingiz qay tarzda boshqa maktablar bilan hamkorlik qilishi mumkin?
10. Nega aynan sizning maktabingiz PEAKS loyihasi qatnashchisi bo'lishi kerakligini asoslab bering.

Tanlovda ishtirok etish uchun arizalar Ochiq Jamiyat Instituti Ko'mak Jamg'armasi – O'zbekiston idorasiga 2003 yil, 10 noyabr, soat 17:00 dan kechiktirmay yuborilishi kerak.
Ariza hajmi 8 bosma varaqdan ortiq bo'lmasligi kerak.
Tanlovdan muvaffaqqiyatli o'tgan maktablar 2003 yil noyabrining oxirigacha xabardor qilinadi. ARIZALARNI YUBORISH UCHUN MANZIL: TOSHKENT SHAHRI, 700031, ZARBOG' KO'CHASI, 31
MUVOFIQLASHTIRUVCHI GO'ZAL SUBANOVAGA (Mo'ljal: "Grand Mir Hotel" (sobiq "Rossiya") mehmonxonasi, "COSCOM", "ERICSSON" kompaniyalari idoralari)
Telefonlar: 120-54- 09/10/11/12, faks: (371) 120-68-54. E-MAIL: GUZAL@OSI.UZ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-925.
Тиражи 19852. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.
Навбатчи:
Дилмурод СОДИҚОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими —136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.